Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 64 (8554).

30 март 1985 йил шанба

Баҳоси 3 тийин.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бугун, 30 март куни, эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари бугун эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси бугун, 30 март куни, эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кичик залида ўтказилади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 март куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIX пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев «КПСС Марказий Комитети талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. С. Саликов, Тошкент экскаватор заводининг кранчиси Т. А. Гаврилова, Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. А. Раҳмонов, Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз бригадири Т. Дадажонов, Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари А. Пайғамов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари И. Ж. Жабборов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Антонов, Қаршидаги «СССР 50 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг моторист-тикувчиси Р. Н. Иванушкина, Наманган районидаги «Ленинград» колхози правлениесининг раиси Ҳ. Мамажонов, Тошкент олий партия мактабининг ректори М. И. Искандаров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ К. Н. Могильниченко нутқ сўзлади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўртоқ И. Г. Анисимкин пенсияга чиққанлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг инспектори бўлиб ишлаган ўртоқ В. П. Анишчевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составига киритди, Марказий Комитет секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ Ҳ. А. Шоғазатовни Марказий Комитет секретари ва бюро аъзоси этиб сайлади.

Ўртоқ М. М. Мусахонов пенсияга чиққанлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. А. Алимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Пленум ўртоқ С. Қурбоновни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг, ўртоқ Н. Тўхлиевни фан ва ўқув юртлари бўлимининг, ўртоқ Д. Т. Мадикаримовани маданият бўлимининг, ўртоқ Б. А. Абдураззоқовни ахборот ва чет эллар билан алоқалар бўлимининг, ўртоқ А. Абдувосиқовни қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлимининг мудирлари этиб тасдиқлади.

Пленум ўртоқ Л. Қаюмовни «Совет Ўзбекистони» республика газетасининг редактори, ўртоқ Н. А. Умеровни «Ленин байрағъи» республика газетасининг редактори қилиб тасдиқлади.

Пленум Марказий Комитет аъзоси Ш. Ф. Файзиев ва Марказий Комитет аъзолигига кандидат К. Абдиров ўз обрўсини тўкканлиги учун уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составидан чиқарди. Пленум партия турмуши ленинча нормаларини бузганлиги, партия ташкилоти билан алоқани узганлиги учун Я. А. Илиадини КПСС аъзолигидан чиқарди.

Шу билан пленум ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг қарори

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг «КПСС Марказий Комитети талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорларини, ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлигини астойдил маъқуллайдилар, Марказий Комитетнинг янада яхши тартиб ўрнатишга, турмушимизнинг ҳамма соҳаларини жамиятимиз табиатига ёт ҳодисалардан тозалашга, социалистик қонунчиликни, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган йўлини актив қўллаб-қувватлайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳозирги босқичдаги кадрлар сиёсати масалалари, топширилган иш учун раҳбарларга ва барча коммунистларга нисбатан талабчанликни кучайтириш юзасидан берган принципиал йўл-йўриқлари меҳнат ва жамоат турмушидаги маънавий — психологик муҳитни согломлаштириш, социал адолат принципларига сўзсиз риоя қилиш учун изчил курашни авж олдириб юборган республика партия ташкилотига тўла-тўкис таалluқлидир.

Марказий Комитет бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми ва кейинги Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажара бориб, партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларини тиклаш, кадрлар билан ишлашда талабчанликни кучайтириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар, маънавий айниш, суиистеъмол қилиш, КПСС Уставини бузиш йўлига ўтган раҳбарлардан қатъиян халос бўлмоқдалар. Қолоқ участкалар сиёсий етук, билимдон, ҳалол ва омилкор ташкилотчилар билан мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга асосан республика бўғинига мансуб партия, совет, хўжалик органларининггина иши қайта қурилди, бу қайта қуриш ҳали область, шаҳар, район бўлинмалари, бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари фаолиятида асосий иш бўлиб қолгани йўқ. Айрим партия комитетлари ва ташкилотлари кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашда камчиликларга йўл қўймоқдалар, салбий ҳодисаларга қарши курашда принципиал позицияда турганлари йўқ. Социалистик қонунчиликни поймол қилаётган, партиявий ахлоқ ва одоб нормаларини бузаётган раҳбарларга нисбатан ҳамон раҳмдиллик қилиб келинмоқда.

Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё областларида раҳбар коммунистлар қилган нохўя ишларнинг анчагина қисми бошланғич партия ташкилотларини четлаб кўриб чиқилмоқда. Кадрларнинг анчагина қисми ҳали ҳам конкрет ишга қанчалик яроқлилигини пухта текширмай туриб, шошапишша юқорига кўтариб қўйилмоқда. Таниш-билишчилик ҳоллари, раҳбар ходимларни ишчанлик ва амалий фазилатларига қарамай, балки шахсий содиқлигига, ошна-оғайнигарчилик ва қариндош-уруғчилик муносабатларига, юртдошлигига қараб тайинлаш ҳолларига ҳали ҳам йўл қўйилмоқда.

Айрим партия ташкилотларида, айниқса Андижон ва Хоразм областларида партия ва совет ходимларини тарбиялаш мақсадида танқид ва ўз-ўзини танқиддан, қабул этилган қарорларнинг ижросини контрол қилиш ва текширишдан суст фойдаланилмоқда. Сирдарё, Самарқанд, Фарғона областларида илғор ишчилар ва колхозчилар, хотин-қизлар орасидаги истеъдодли ташкилотчилар раҳбарлик лавозимларига камдан-кам кўтарилмоқда.

Кадрларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга етарли эътибор берилмаяпти. Юлғичлик, молпарастлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, хусусий мулкчилик психологияси кўринишларига, диний сарқитларга ва совет турмуш тарзига хос бўлмаган феъл-атвор нормаларига кескин зарба берилмаяпти.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва контрол органлари кадрларни танлаш ва тарбиялашдаги камчиликларни суст-кашлик билан тугатмоқда, бу органлар ҳали социалистик мулкни ўғирлашга, порахўрликка, қўшиб ёзишга ва кўзбўямачиликка, мансабдан фойдаланиб жиноят қилиш ҳолларига қарши қатъий курашмаяптилар. Бу масалаларда Ички ишлар министрлигининг сиёсий органлари актив позицияда турмаяптилар.

Кадрларнинг тузукроқ резерви йўқлиги бир қанча партия комитетларининг, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, министрликлар ва идораларнинг фаолиятидаги заиф бўғиндир. Кадрлар резервини тайёрлашда партиявий-сиёсий маорифнинг имкониятларидан дуруст фойдаланилмаяпти.

Партия комитетларининг айрим ходимлари партиявий раҳбарлик кўникмаларини яхши эгаллаб олмаяптилар, зарур ҳаётий тажрибага эга эмаслар, маъмуриятчиликка, масалаларни соф хўжалик усуллари билан ҳал этишга берилиб кетмоқдалар. Кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришда бошланғич партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг, жамоатчилик фикрининг роли пасайтириб юборилган.

Халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини тарбиялашда катта янглишишларга йўл қўйилмоқда, улар замонавий иқтисодий тафаккур руҳида кўнгилдагидек тарбияланмаяпти, социалистик омилкорлик, давлат планларини бажариш учун юксак масъулиятни сезиш туйғуси уларга дуруст сингдирилмаяпти. 1984 йилнинг маҳсулот реализация қилиш юзасидан белгиланган топшириқларини 176 та бирлашма ва корхона уддалай олмади. Республика министрликлари ва идораларининг ярмиси фан ва техникани ривожлантириш планлари бажарилишини таъминламади. 400 га яқин корхонада меҳнат унумдорлиги пасайиб кетди. Ажратилган капитал маблағ ўзлаштирилмади, халқ хўжалигининг бир қанча муҳим объектлари ўз вақтида ишга туширилмади, қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳали ҳам паст. Салкам 700 та колхоз ва совхоз пахта ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш топшириқларини бажармади.

Республика Министрлар Совети, Госплани, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш имкониятларидан ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини унчалик етарли равишда ғайрат билан қидирмаяптилар, экономиканинг баъзи тармоқларида хўжалик юритиш форма ва методлари суст қайта қурилаётганлигига, ишлаб чиқариш қувватларидан заиф фойдаланилаётганлигига, фондларнинг самарадорлиги яхши ўсмаётганлигига, маҳсулот таннархи камаймаётганига муросасозлик билан қарамоқдалар. Хўжалик практикасида пул маблағлари ва моддий бойликларнинг назоратсиз қолишига, турли-туман суиистеъмолларга йўл қўйилган нуқсонлар тугатилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. Марказий Комитет бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва кейинги Пленумларининг қарорларига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада такомиллаштириш, республика партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини кучайтириш, партия турмушининг ленинча принципларини тиклаш соҳасидаги ишни давом эттирсинлар. КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг йўл-йўриқларини бажариб, партия, совет ва давлат органлари ходимларига нисбатан талабчанликни ва уларнинг масъулиятини ошириш йўлини изчиллик билан ўтказсинлар.

Кадрлар билан ишлашни коммунистларни, республиканинг барча меҳнаткашларини Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантириш планларини сўзсиз бажаришга, йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга, 1985 йилни ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга сафарбар қилишга бўйсундирсинлар.

2. Партия комитетлари партия, совет, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор қозонган, ўртага қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлай оладиган, сиёсий жиҳатдан етук, саводли раҳбарлар бошчилик қилишларига сабот билан ҳаракат қилсинлар.

Таниш-билишлик, кадрларни юртдошлик, қариндош-уруғчилик белгиларига қараб танлаш, ходимларни раҳбарлик лавозимларига пухта ўйламай шошапишша кўтариш, шунингдек ўз обрўсини тўккан шахсларни аҳамияти баравар ишга ўтказиш фактлари қатъиян тугатилсин. Ҳамма жойда КПСС Устави талабларидан, партия турмуши ва коммунистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекиниш ҳолларига коммунистлар ва меҳнат коллективининг аъзолари муносиб баҳо берадиган вазият вужудга келтирилсин. Иш шундай йўлга қўйилсинки, ҳар бир раҳбар юқори органларнинггина эмас, шу билан бирга омманинг ҳам доимий назорати остида бўлсин. КПСС аъзоси бўлган раҳбарларнинг нохўя ҳаракатлари албатта бошланғич партия ташкилотларида кўриб чиқилсин.

Ишдаги демократик нетизлар изчиллик билан жорий этилсин ва ривожлантирилсин, раҳбарларга баҳо бериш ва уларни кўтаришда бошланғич партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фикри тўлиқроқ ҳисобга олинсин. Характеристикаларнинг аҳамияти оширилсин, уларда ходимларнинг сиёсий, амалий ва маънавий фазилатлари, кучли ва заиф жиҳатлари аксе эттирилсин, кадрлар ўз фаолиятининг натижаларига танқидий баҳо бера олиш маҳорати руҳида тарбиялансин. Айрим раҳбарларнинг топширилган иш учун масъулиятдан бўйин товлаш йўлидаги уринишларига қарши курашилсин. Тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлмиш ижрони контрол қилишдан ҳар томонлама фойдаланилсин.

Партия ўқув юртларига энг яхши тайёргарлик кўрган, истиқболли ходимларни пухта танлаш таъминлансин. Ўқув жараёнини ташкил этиш яхшилансин ҳамда Тошкент олий партия мактаби, партия ва совет ходимларининг малакасини ошириш курси тингловчиларининг ғоявий-назарий ва илмий-методик тайёргарлик даражаси доимо оширилсин.

4. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари кадрларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга оширсинлар. Уларда марксча-ленинча илмий дунёқарашни шакллантиришга, душман идеологияси ва пропагандаси кирдикорларига қарши, шунингдек турли-туман сарқитлар ва диний хурофотларга, турмушда бойларча, нотўғри ҳулқ-атворга, такаббурлик ва манманликка қарши курашда ҳужжумкорлик позициясида туришга алоҳида эътибор берилсин. Бу масалаларда халқ маорифи ва маданият соҳасида, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларида ишловчи коммунистларнинг ва раҳбарларнинг масъулияти оширилсин.

Кундалик идеологик, оммавий-сиёсий ишда раҳбар кадрларнинг иштироки кучайтирилсин. Шу мақсадда ягона сиёсий кундалик кенг фойдаланилсин. Ҳар бир раҳбар меҳнаткашларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган конкрет топшириқни бажариши мақсадга мувофиқ деб ҳисобласинлар.

Ўзининг партиявий ва хизмат-профессионал бурчини ҳалол бажараётган кадрларнинг обрў-эътибори кўтарилсин ва ардоқлаб асралсин, принципиал, талабчан ходимларни бадном қилишга ёки қоралашга уринадиган ҳар қандай туҳматчиларга кескин зарба берилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

ИШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

ўртоқ И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ доклади

Ўртоқлар!

Ленинчи партиямизнинг бутун тарихи кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш партия ўртага қўйган мақсадларга эришишнинг, олдимизда турган социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг ғоят муҳим шарти эканлигидан яққол далолат бериб турибди. Коммунистик партия социалистик қурилишнинг барча босқичларида ўзининг кадр потенциалини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб келди ва ҳамон шундай эътибор бериб келмоқда, буни иктимоий ривожланишнинг боришига таъсир ўтказишнинг қудратли воситаси деб ҳисобламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми буни янги куч билан тасдиқлади. Пленум партиямизнинг улуғ Ленин ишига астойдил содиқлигини, партиянинг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ҳамда кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган сиёсий йўли изчиллигини ва давомийлигини намойиш этди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсатини актив қўллаб-қувватлаб, партия Марказий Комитети март Пленумининг Коммунистик партия билан Совет давлати таниқли арбоби ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги қарорини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Партия ўз кучини, бутун халқнинг меҳнат-ғайрати ва шижоатини халқ хўжалигини интенсив ривожлантиришга йўлига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришиш учун йўналтирмоқда. Қисқа муддатлар ичида энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги юксак даражасига эришиш вазифаси қўйилган. Мана шу вазифани муваффақиятлироқ ва тезроқ уддалаш ҳўжалик механизмини, бутун бошқариш системасини бундан буён ҳам сабот билан такомиллаштира боришни, социалистик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг асосий принципларини ижодий қўлланишни тақозо этади. Мустаҳкам тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан, жамият манфаатларига ва унинг гражданлари манфаатларига қилинадиган ҳар қандай тажовузлардан тозалаш соҳасида халқ маъмурий идораларининг ишини яхшилаш, ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳуқуқий онгни ошириш, ҳуқуқий тарбия ишларини кучайтириш, ҳуқуқ-тартибот органларининг ишини яхшилаш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларидир.

Партия комитетлари, ташкилотлари ва барча коммунистлар ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигини ўзларининг ишончли ва ғоявий раҳбарлари, партиянинг ленинча Марказий Комитетининг ажралмас қисми деб қабул қилдилар. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг ҳаётий тажрибаси, ленинча принципиаллиги, ишга ижодий ёндашиши, ўзини ва бошқаларни талабчанлик билан текшириши, ҳамма ишда ленинча услубни қатъий равишда амалга ошириши, ҳаётнинг ўзи ва халқ оммаси билан доимий алоқаси партиянинг ҳозирги ва келажак вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга кафолат беради.

Ленинчи партиямизнинг ҳаёт-фаолиятида ҳар доим бўлгани каби, ҳозирги даврда ҳам ҳаётнинг ўзи ва халқ оммаси партиянинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ижодий ёндашишни, ленинча принципиалликни, ҳаётий реалликни, ҳозирги замон воқеаларини ва ривожланиш тенденцияларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишни, ўзгаришларга ўз вақтида ва тўғри баҳо беришни, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган янги вазифаларни ҳал этишнинг энг самарали йўлларини ва воситаларини топишни талаб этади.

Янги вазифаларни, деб уқтирган эди В. И. Ленин, эскириб қолган усуллар билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам КПСС партия раҳбарлиги услубини, партия ички турмушининг барча томонларини яхшилашга ва аввало, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда тарбиялаш соҳасидаги ишни такомиллаштиришга жуда катта эътибор бермоқда.

Владимир Ильич Ленин неча марталаб таъкидлаганидек, сиёсат кишилар орқали амалга оширилади. Пленум КПСС Марказий Комитетининг ленинча принципларини тиклаш соҳасидаги ишни давом эттирсинлар. КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг йўл-йўриқларини бажариб, партия, совет ва давлат органлари ходимларига нисбатан талабчанликни ва уларнинг масъулиятини ошириш йўлини изчиллик билан ўтказсинлар.

Кадрлар билан ишлашни коммунистларни, республиканинг барча меҳнаткашларини Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантириш планларини сўзсиз бажаришга, йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдиришга, 1985 йилни ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга сафарбар қилишга бўйсундирсинлар.

2. Партия комитетлари партия, совет, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, меҳнаткашлар ўртасида обрў-эътибор қозонган, ўртага қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлай оладиган, сиёсий жиҳатдан етук, саводли раҳбарлар бошчилик қилишларига сабот билан ҳаракат қилсинлар.

Таниш-билишлик, кадрларни юртдошлик, қариндош-уруғчилик белгиларига қараб танлаш, ходимларни раҳбарлик лавозимларига пухта ўйламай шошапишша кўтариш, шунингдек ўз обрўсини тўккан шахсларни аҳамияти баравар ишга ўтказиш фактлари қатъиян тугатилсин. Ҳамма жойда КПСС Устави талабларидан, партия турмуши ва коммунистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекиниш ҳолларига коммунистлар ва меҳнат коллективининг аъзолари муносиб баҳо берадиган вазият вужудга келтирилсин. Иш шундай йўлга қўйилсинки, ҳар бир раҳбар юқори органларнинггина эмас, шу билан бирга омманинг ҳам доимий назорати остида бўлсин. КПСС аъзоси бўлган раҳбарларнинг нохўя ҳаракатлари албатта бошланғич партия ташкилотларида кўриб чиқилсин.

Ишдаги демократик нетизлар изчиллик билан жорий этилсин ва ривожлантирилсин, раҳбарларга баҳо бериш ва уларни кўтаришда бошланғич партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фикри тўлиқроқ ҳисобга олинсин. Характеристикаларнинг аҳамияти оширилсин, уларда ходимларнинг сиёсий, амалий ва маънавий фазилатлари, кучли ва заиф жиҳатлари аксе эттирилсин, кадрлар ўз фаолиятининг натижаларига танқидий баҳо бера олиш маҳорати руҳида тарбиялансин. Айрим раҳбарларнинг топширилган иш учун масъулиятдан бўйин товлаш йўлидаги уринишларига қарши курашилсин. Тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлмиш ижрони контрол қилишдан ҳар томонлама фойдаланилсин.

Партия ўқув юртларига энг яхши тайёргарлик кўрган, истиқболли ходимларни пухта танлаш таъминлансин. Ўқув жараёнини ташкил этиш яхшилансин ҳамда Тошкент олий партия мактаби, партия ва совет ходимларининг малакасини ошириш курси тингловчиларининг ғоявий-назарий ва илмий-методик тайёргарлик даражаси доимо оширилсин.

4. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари кадрларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга оширсинлар. Уларда марксча-ленинча илмий дунёқарашни шакллантиришга, душман идеологияси ва пропагандаси кирдикорларига қарши, шунингдек турли-туман сарқитлар ва диний хурофотларга, турмушда бойларча, нотўғри ҳулқ-атворга, такаббурлик ва манманликка қарши курашда ҳужжумкорлик позициясида туришга алоҳида эътибор берилсин. Бу масалаларда халқ маорифи ва маданият соҳасида, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларида ишловчи коммунистларнинг ва раҳбарларнинг масъулияти оширилсин.

Кундалик идеологик, оммавий-сиёсий ишда раҳбар кадрларнинг иштироки кучайтирилсин. Шу мақсадда ягона сиёсий кундалик кенг фойдаланилсин. Ҳар бир раҳбар меҳнаткашларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган конкрет топшириқни бажариши мақсадга мувофиқ деб ҳисобласинлар.

Ўзининг партиявий ва хизмат-профессионал бурчини ҳалол бажараётган кадрларнинг обрў-эътибори кўтарилсин ва ардоқлаб асралсин, принципиал, талабчан ходимларни бадном қилишга ёки қоралашга уринадиган ҳар қандай туҳматчиларга кескин зарба берилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

Доклад қисқартирилган стенограммага мувофиқ эълон қилинмоқда.

ИШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Амал қилинаётган йўл аввало республикада топширилган иш учун раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасида ўтказилаётган катта ва қизғин ишда ўз ифодасини топмоқда.

Кейинги вақтларда область, шаҳар, район партия комитетларининг бир қанча секретарлари, Советлар ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ишдан бўшатилдилар. Ўз обрўсини тўкиб қўйган ходимлар партия комитетларининг составидан чиқарилди, депутатликдан чақириб олинди, партия йўли билан қаттиқ жазоланди. Ўғрилик, растрата ва суиистеъмол қилишга йўл қўйган шахслар жиноий жавобгарликка тортилди. Ана шу барча чоралар республикада вазиятни жиддий равишда соғломлаштиришга кўмаклашди.

Шу йўл бундан буён ҳам ўтказилаверади. Аммо бугунги кунда вазифа кадрлар билан ишлашга пухта ўйлаб, планли тус беришдан, раҳбар кадрларни аниқ мақсад йўлида истиқболли кўзлаб ўстиришдан, барча участкаларни билимдон, ҳалол, партия ишига содиқ кишилар билан мустаҳкамлашдан иборатдир.

Марказий Комитет XVII пленуми амал қилинаётган йўлнинг ўзгармаслигини тасдиқлади, республикада интизомни мустаҳкамлаш борасида кўрилаётган тадбирларни қисқа муддатли кампания деб баҳолаб, кутиб туриш позициясини эгаллаган, янги шароитларга мослашиб олишга, ўзининг фаолиятсизлигини ниқоблашга, ишда жўшқинликни пасайтиришга уринган кимсаларга зарба берди. Хизмат мавқеини ҳар хил йўллар билан суиистеъмол қилишга, ошна-оғайничилик ва ҳамюртлик кўринишларига қарши курашга янги омил бахш этилди, бу ишни сиёсий системамизнинг юқоридан қуйигача барча бўғинлари орқали ўтказиш вазифаси қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг, XVI пленумнинг руҳи ва талабларига мувофиқ ҳар бир область, шаҳар ва район партия комитетининг фаолиятини бундан буён ҳам такомиллаштириш, ҳамма жойда камчиликлар ва салбий ҳолатларга муросасизлик вазиятини вужудга келтириш, амал қилинаётган йўлга ошкора ёки яширинча қаршилик қилаётган кимсалардан қатъиян холи бўлиш керак.

Ушбу пленумнинг вазифаси ҳозирги талаблар асосида республикада кадрлар билан ишлаш соҳасида таркиб топган практикани синчиклаб анализ қилишдан, бу ишни тубдан яхшилаш йўллари, форма ва методларини белгилашдан иборатдир. Бошқача сўзлар билан айтганда, партия ички турмушининг бутун механизми шундай пишиқтирилиши ва созланиши керакки, раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда хатолар бўлишига батамом барҳам берилсин.

Бугунги Ўзбекистон партиянинг ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга ошириш туфайли кадрлар катта потенциалига эгадир. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар мобайнида олий ва ўрта махсус маълумотли 950 мингдан кўпроқ киши меҳнат коллективларига қўшилганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Ҳозир экономика, маданият, ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқларида қарийб бир ярим миллион мутахассис ишлаб турибди, шуларнинг тўртдан бир қисми коммунистлардир. Бу — буюк социал ғалаба. Бу ғалаба кадрлар масаласини ҳал этишнинг ишончли негизидир.

Ҳозирги вақтда республика ва область бўғинидаги барча раҳбарлар, амалда барча шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари олий маълумотлидирлар, жумладан уларнинг учдан икки қисми халқ хўжалиги мутахассисларидир. Марказий Комитет номенклатураси составида ўттиз миллат намояндалари бор. Хотин-қизлар кўплаб раҳбарлик ишларига кўтарилмоқда, улар ўзларининг виждонан қилаётган меҳнатлари билан экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ва Секретариати коммунистлар ва айниқса раҳбарларнинг КПСС Уставига, партия турмуши ленинча нормалари ҳамда принципиаллик ва айниқса маънавий фазилатлари етарлича чуқур ўрганилмаяпти, анкетачилик услубига секинлик билан барҳам берилмоқда, бирон бир ходим тўғрисида партия ташкилотининг, меҳнат коллективининг фикри баъзан ҳисобга олинаётгани йўқ. Одатда характеристикаларнинг, фикр-мулоҳазалар ва тавсияларнинг холис эмаслиги учун, кадрларни танлашдаги хатолар учун ҳеч ким жавобгар бўлмайди. Бундай эгасизликка қатъиян чек қўйиш керак.

Шу жиҳатдан Хоразм область партия комитетининг қарори принципиал муҳим аҳамиятга эгадир. Бу область партия комитети кадрларни танлаш ва пастдан юқорига кўтариш учун партия органларининг ҳам, конкрет ходимларнинг ҳам масъулиятини кучайтиришга интилмоқда. Ўтган йил сентябрь ойида Р. Ражабов деган кимса тегишли даражада ўрганилмай ва текширилмай Урганч пахта заводининг директори этиб тайинланган эди, у орадан уч ой ўтгач, ўғрилик ва порахўрликда фош этилиб КПСС сафидан чиқарилди ва қамоққа олинди. Бу виждонсиз киши қандай қилиб раҳбарлик ишига ўтиб қолди? — деган масала кўтарилди. Обком бюросининг мажлисида ўша кимсани тавсия этган Ўрганч район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Жуманазаровга ҳисоб карточкасига ёзиш билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Уни ижобий таърифлаб, характеристика берган районнинг бошқа раҳбарлари ҳам партия йўли билан жазоландилар. Область ва район партия комитетларининг бошланғич партия ташкилотларидаги йиғилишларда аппарат ходимлари шаънига жиддий таъналар айтилди, кадрларни ўрганиш чоғида уларнинг масъулияти тўғрисида талабчанлик руҳида гаплашиб олинди.

Марказий Комитет Бюроси бундай масалаларни айни шундай ҳал этиш керак, деб ҳисоблайди. Биз кадрлар билан ишлашга янгича ёндашувни қидириб топишимиз, бу ишдаги хатолар учун қатъиқ талабчанлик қилишимиз керак, бундай хатолар қимматга тушмоқда. Гап раҳбарлик лавозимига билимсиз ёки бундан ҳам ёмони нопок ходим тайинланганида кўриладиган катта моддий зарар тўғрисидагина бораётгани йўқ. Гап кадрларнинг маънавий соғломлиги тўғрисидагина бораётгани йўқ, ваҳоланки, бу ҳам жуда муҳимдир. Гап партия ташкилотининг обрўэътибори тўғрисида, унинг омма билан алоқалари мустаҳкамлиги ҳақида бормоқда. Шу боисдан партия комитетлари кадрларни ўрганиш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш учун ходимларнинг шахсий масъулиятини бутун чоралар билан оширишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини, Марказий Комитет XVI пленумининг йўлини амалга ошириш соҳасидаги ишда шаҳар ва район партия комитетлари ниҳоятда масъулиятли роль ўйнайдилар. Айни улар жойларда партия сиёсатини бевосита ўтказувчилар бўлиб, барча хўжалик, социал ва тарбиявий вазифаларнинг муваффақиятли таъминланган тақдирдагина бу тадбир асосли ва мақбул бўлади, деган фикрга қаттиқ амал қилиш лозим.

Раҳбарларга нисбатангина эмас, бутун партия аппаратига нисбатан ҳам талабчанликни юксак даражага кўтариш лозим. Бошланғич партия ташкилотларида сайлаб қўйилган лавозимларда ишлаб яхши тажриба тўпланган, меҳнат коллективларида чиниққан, коммунистлар, меҳнаткашлар ўртасида обрўэътибор ва нуфуз қозонган кишиларни кўтариш керак.

Қариндош-уруғчилик каби шармандали ҳолат шу пайтгача йўқ қилинмаганлигини тан олиш лозим. Ховос район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. Сувонқуловнинг уялмай-нетмай ўз куёвини райком инструктори қилиб тайинланганлигига бундан бошқача баҳо бериш мумкинми? Бу фактга принципиал баҳо бермаган ва ҳали яқиндагина ана шу нохуш аҳволни тузатган Сирдарё область партия комитетининг позицияси ҳам ажаблантиради.

Партия комитетлари аппаратининг ходимларини танлашни кескин равишда яхши йўлга қўйиш керак. Бунда партия комитетининг марказий сиймоси сифатида иш кўриши лозим бўлган инструкторлар составига алоҳида эътибор бериш керак.

Кадрлар билан ишлашни кучайтириш соҳасидаги янги вазифаларни ҳал этганда бошланғич партия ташкилотларининг ролини бутун чоралар билан ошириш лозим. Улар нотўғри хатти-ҳаракатларга йўл қўяларни мансабдор шахсларни дадил тўғри йўлга солишлари, тартиб-қоидаларни бузувчиларнинг ҳаракатларига уларнинг мартабасига қарамай, қатъий баҳо беришлари керак. Бу — кадрларни тарбиялаш, уларнинг масъулиятини оширишнинг муҳим воситасидир.

Учқўрғон районидаги Ленин номли колхоз коммунистлари (партком секретари Р. И. Иброҳимова) айни ана шундай иш тутдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чорвачиликда план ва давлат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида колхоз ва совхоз партия ташкилотларининг ролини ошириш борасида Учқўрғон район партия комитетининг бажараётган иши тўғрисидаги қарорини муҳокама қилдилар. Мажлисда ўн етти киши сўзга чиқиб, шу соҳадаги камчиликларни чуқур очиб ташладилар, раҳбарларнинг жиддий нуқсонларини аниқ кўрсатиб бердилар. Совхоз директорига қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди, Аҳволни тузатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Партия ташкилоти жиддий нуқсонлардан кўз юмган, партбюро ёки партком секретари раҳбар билан муносабатни бузишдан кўрққан жойларда кўпинча салбий ҳодисалар узоқ давом этадиган хатарли тус олади. «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасида шундай аҳвол рўй берди. Партком ва унинг секретари ўртоқ Д. А. Саидов бу ерда содир бўлган катта нуқсонларга нисбатан очиқдан-очиқ муросасозлик йўлини тутди. Марказий Комитетнинг XVI пленуми материаллари муҳокама қилинган йиғилишда коммунистларнинг атиги ярми қозир бўлди ва Марказий Комитетнинг докладида бош бошқармани собиқ раҳбарлари ҳақида шахсан қилинган танқидга эътибор берилмади.

Марказий Комитет, область, шаҳар ва район комитетлари бошланғич партия ташкилотларига ҳануз етарли эътибор қилмаётирлар. Бунинг натижасида хўжалик раҳбарлари кўпинча улар нинг назорати ва таъсиридан четда қолмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида салбий ходисаларга қарши курашни ҳам конкрет иш ўрнига минбарга чиқиб дабдабали ваъдалар беришдан иборат қилиб қўйишга уринадилар. Бир қатор партия, совет, хўжалик органларида қабул қилинган қарорлар ҳамда коммунистларнинг таклифлари жуда қониқарсиз амалга оширилмоқда.

Маълумки, Марказий Комитетнинг XVI пленумида социал-иқтисодий ривожланиш масалалари ва шу муносабат билан хўжалик раҳбарларининг масъулияти тўғрисидаги масалалар кескин қилиб қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шундан кейинги пленумларида халқ хўжалигидаги аҳвол танқидий таҳлил этилди, экономикани интенсив ривожланиш йўлига кўчиришга халақит бериб келаётган сабаблар ҳақида кескин гапирилди.

Хўш, партия комитетлари, Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари бундан қандай хулоса чиқариб олдилар? Бирлашмалар ва корхоналарнинг қарийб учдан бир қисми 1984 йилда маҳсулотни реализация қилиш планини бажармади. Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё областларидаги саноат корхоналари шу кўрсаткичга эришишни таъминламадилар. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномаларда белгиланган мажбуриятлар бажарилмади. Ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, Енгил саноат министрлиги, Мева—сабзавот хўжалиги министрлигининг бирлашмалари ва корхоналари жуда катта қолоқликка йўл қўйдилар. 318 саноат корхонаси ёки бундай корхоналарнинг тўртдан бир қисми меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармади, 400 корхона меҳнат унумдорлигини пасайтириб юборди.

Бу йил ҳам аҳволни тузатиш учун жуда суст ҳаракат қилинмоқда. 125 корхона январь-февраль ойларида маҳсулотни реализация қилиш, 300 дан ортиқ корхона меҳнат унумдорлиги, 275 корхона маҳсулот етказиб бериш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармади.

Шу давр ичида Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги (ўртоқ Г. Г. Исаев) маҳсулот таннархини камайтириш ўрнига қарийб 700 минг сўм, Енгил саноат министрлиги (ўртоқ М. Х. Қурбонов) 6 миллион сўмлikдан зиёд қимматлаштириб юборган.

Маҳсулотнинг умумий ҳажмида олий сифат категори ясидаги буюмлар салмоғи атиги 10 процентни ташкил этади. Ана шу кўрсаткичлар қарийб уч баравар кам бўлган Бухоро, Жиззах, Нукус, Навоий, Гулистон, Урганч шаҳарлари партия комитетлари хўжалик раҳбарларининг шундай сусткашлигига тоқат қилишлари мумкинми?

Марказий Комитетнинг XVI пленумида республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг иши кескин танқид қилинди. Пленум қарорлари қандай бажарилаётганлигини контроль қилиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Секретариатининг мажлисларида Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри, Главташкентстрой бошлиғининг, монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрининг ва бошқа қурилиш министрликлари ҳамда идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Бу ўртоқлар ишдаги камчиликларни тугатиш чораларини кўрамиз, деб ваъда беришди.

Қўйидаги рақамлар ана шу ваъдалар қандай бажарилаётганлигини тасдиқлайди. Қурилиш министрлиги (ўртоқ Ф. Г. Потуремский) қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилишини таъминламади ва уй-жой, мактаб, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхона ва ҳунар-техника билим юртларининг ишга туширилишини барбод этди. Главташкентстрой (ўртоқ Т. Н. Набиев) 100 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жойларни, 1560 ўринли болалар боғчаларини, 530 ўринли касалхоналарни ва бошқа объектларни фойдаланиш учун топширмади. Бу соҳада бу йил ҳам жиддий қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Марказий Комитет Бюросида шу йил январь ва февраль ойларининг якунлари юзасидан бир қатор министрликлар ҳамда идораларнинг раҳбарлари билан жуда принципиал гаплашиб олинди. Уларнинг баъзилари план топшириқларининг бажарилишини таъминламаганликлари учун партиявий йўл билан қаттиқ жазоланди. Аммо, ҳамма жойда ҳам аҳволни тузатиш чоралари кўрилган, деб бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтилган гаплар Марказий Комитет XVI пленумининг қарорларини бажариш соҳасидаги тадбирларнинг бутун комплексига тамомила тааллуқлидир. Шу нарсани доим эсда тутиш керакки, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш ва ижрони қаттиқ контроль қилиш борасидаги амалий ташкилотчилик иши олдимизда турган вазифаларни бажаришнинг энг муҳим шарти, кадрларни тарбиялашнинг, партия интизомини мустаҳкамлашнинг таъсирчан воситасидир. Шу билан бирга ижрони контроль қилиш онда-сонда ўтказилмай, балки системали бир тус олиши ҳамда аппарат ходимлари томонидангина эмас, балки бевосита раҳбарлар томонидан ҳам амалга оширилиши кераклигини алоҳида уқтириб ўтиш лозим. Партиянинг йўлйўриқлари ва қабул қилинадиган қарорларни дарҳол амалга оширишга киришилган, ижронинг ҳамма бўғинларида конкрет иш олиб борилиб, ишда шахсий масъулият ва ошкоралик таъминланган тақдирдагина ҳамма ишимизда тартиб жорий этилади.

Ваҳоланки, Марказий Комитетнинг бўлимлари ва аввало ташкилий-партиявий иш бўлими, область, шаҳар, район партия комитетлари коллектив суратда қабул қилинган қарорларни бажариш борасида ҳамиша ҳам кадрлар олдига қаттиқ талаб қўймоқдалар, деб бўлмайди. Бу масалаларда қаттиқ партиявий тартиб ўрнатиш, кишиларга уларнинг сўзларига қараб эмас, балки ишларига қараб баҳо бериш, иш тўғрисида «тадбирлар»га қараб эмас, натижаларга қараб фикр юритиш керак, деган мустаҳкам большевикча принципга доим амал қилиш лозим.

Ўртоқлар! Ривожланган социализм шароитида кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш вазифалари раҳбарлик ишларига кўтариладиган ходимларнинг сиёсий хислатларига қараб баҳо беришда талабчанликни кучайтиришни тақозо этади. Шу боисдан раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш, уларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, марксча-ленинча таъйёрлаш системасини янада яхшилаш — республика партия ташкилоти фаолиятининг таркибий қисмидир. Кейинги ўн йил ичида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясини ва Тошкент олий партия мактабини икки мингдан ортиқ киши тамомлаб чиқди. Раҳбар ходимлардан 12 минг киши КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги малакани ошириш институтида, республикалараро ва областлараро курсларда қайтадан тайёрланди.

Лекин шундай бўлса ҳам бизда партиявий-сиёсий таълимнинг имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир. Тингловчиларни танлаш ва ўқишни битириб чиққанларни тақсимлаш вақтида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бир қатор ҳолларда ўқишга юборишдан бўшанг ёки ношуд ходимлардан қутулиш усули сифатида фойдаланадилар.

Тошкент олий партия мактабида ўқиш жараёнини ташкил этишда ҳам нуқсонлар оз эмас. Бу ўқув юртининг раҳбарлари, парткоми,, профессор—ўқитувчилари зиммасига мактабни битириб чиқувчиларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатлари учун юксак масъулият юкланган. Ҳозирги кунда лекциялар, семинар машғулотлари юзаки ва дабдабабозлик билан ўтказиладиган бўлса, бу ҳол мактабни битириб чиққан киши келгусида ишлайдиган партия комитети, совет ёки хўжалик органининг иш услубига салбий таъсир кўрсатади.

Биз партиявий-сиёсий таълимнинг обрў— эътиборини бутун чоралар билан оширишимиз керак. Бу таълим кадрлар резервини тарбиялашнинг таъсирчан воситаси эканлигини ҳам назарда тутиш лозим. Бу эса ҳозирги кунда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кадрлар резерви билан ишлаш чинакамига яхши уюштирилган, кишилар ғамхўрлик билан ўстирилаётган, оддий вазифаларни бажаришдан мураккаброқ вазифаларни ижро этишга изчиллик билан кўниктирилаётган жойдагина кадрлар масаласи муваффақиятли равишда ҳал этилаётганлигини практика кўрсатиб турибди. Республикада кадрларнинг чинакам резерви шакллантирилган, истиқболли ходимларни тайёрлаш иши собитқадамлик билан олиб борилаётган партия комитетлари оз эмас. Аммо, кўпчилик ҳолларда резерв расмият учунгина мавжуддир. Ҳозир, бир лавозимга тайинлаш масаласи кўтарилганида номзодни бошқа жойлардан қидириб топишга тўғри келади. Шу сабабли Самарқанд, Фарғона, Андижон областларида кооптация қилиш процценти ҳаддан ташқари кўп.

Хотин—қиз кадрлар билан ишлаш тўғрисидаги масала қатъий кескин тарзда турибди. Кейинги вақтларда бу соҳадаги баъзи ижобий ўзгаришлар бизни ҳали қаноатлантира олмайди. Қўпгина партия комитетлари, министрликлар ва идоралар хотин-қиз кадрларни пастдан юқорига кўтариш масаласига хафсаласизлик билан қарамоқдалар, баъзан эса бу масалага тамомила нотўғри ёндашадилар.

Шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари, партия комитетларининг бўлим мудирлари, инструкторлари, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари орасида аёллар кам. Республикадаги бир ярим минг саноат корхоналарининг кўп деганда 50 тасига аёллар бошчилик қилмоқда. Масалан, Сирдарё областидаги совхозларнинг директорлари, корхоналарнинг раҳбарлари орасида битта ҳам аёл киши йўқ.

(Давоми учинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

5. Партия комитетлари, совет, давлат ва контрол органлари кадрларнинг бутун диққат-эътиборини жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришга, ишлаб чиқариш ва социал муносабатларнинг ҳамма соҳаларида қатъий социалистик ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратсинлар. Социалистик қонунни бузувчилар, давлат ва граждан-ларнинг манфаатларига ҳар қандай ҳамлалар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилсин. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва контрол органларини ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан бақувват, профессионал жиҳатдан моҳир кадрлар билан мустаҳкамлаш давом эттирилсин.

6. Марказий Комитетнинг бюросига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, халқ депутатлари область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетларининг раҳбар кадрларни танлаш ва тарбиялаш учун ўз ҳуқуқ доирасидаги ролини ошириш юзасидан зарур чораларни кўриш таклиф қилинсин. Совет ва хўжалик ходимларига, министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарларига нисбатан план топшириқларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошириши, интенсивлаш жараёнининг кучайтирилиши, фан-техника тараққиётининг жадаллаштирилиши учун талабчанлик кучайтирилсин. Меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширишни таъминлаш, илғор тажрибани жорий қилиш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ишчи ва колхозчиларнинг меҳнати ҳамда турмушига яхши шароитлар яратиш учун кадрларнинг юксак масъулиятига эришилсин.

Бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш тадбирлари комплекси амалга оширилсин, мутахассислардан оқилона фойдаланилсин, ёшлар, айниқса маҳаллий миллат ёшлари индустриал ишчилар синфи сафига жалб қилинсин.

Меҳнатга қараб тақсимлашдан иборат социалистик принцип янада тўлатўкис амалга оширилишини таъминлашга имкон берадиган ҳуқуқий ва хўжалик тадбирлари системаси ишлаб чиқилсин. Айниқса ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал этилиши учун, савдо, умумий овқатланишда, соғлиқни сақлашда ва аҳолига хизмат қилишнинг бошқа соҳаларида муносиб тартиб ўрнатилиши учун кадрларга нисбатан юксак талабчанликка эришилсин.

* * *

Пленум республика партия ташкилотлари кадрларнинг уюшқоқлиги, интизоми ва масъулиятини ошириш, социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда янги муваффақиятларга эришиш, Ўзбекистон меҳнаткашларининг кўп миллатли Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш, Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллигини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига ваъда беради.

ИШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

(Боши 1-, 2-бетларда).

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши вакиллари ҳисобига раҳбар кадрлар составини ва уларнинг резервини доимо тўлдира бориш кадр сиёсатининг муҳим йўналишидир. Ҳозирги вақтда область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг раислари, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг 30 процентини ўзининг меҳнат йўлини ишчи ёки колхозчиликдан бошлаган кишилар ташкил этади.

Ишчилар орасидан кадрларни бундан буён ҳам дадил кўтариш, талантли ташкилотчиларни камол топтириш зарур. Бунинг учун чексиз имкониятлар бор. Ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш керак.

Ўртоқлар! Республикада вазиятни соғломлаштириш учун, интизомни мустаҳкамлаш учун кураш — кишиларнинг онги учун курашдир. Бу кураш ҳамма жойда давом этмоқда. Идеология соҳасида ишловчи ҳар бир коммунистдан тарбиявий ишнинг самарадорлиги учун кўпроқ масъулият сезиш талаб этилади. Бу соҳадаги муваффақият кадрларни тўғри танлаб олишга боғлиқдир.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ижтимоий ҳаётнинг ана шу энг муҳим соҳасида меҳнаткашлар ўртасида муносиб обрў-эътиборга сазовор бўлган партиянинг чинакам курашчилари билан бир қаторда тасодифий кишилар ҳам оз эмас. Яқинда Марказий Комитетда ва область партия комитетларида идеология ходимлари билан ўтказилган суҳбат уларнинг кўпи зарур тайёргарликка эга эмаслигини кўрсатди.

Эгаллаб турган лавозимига кўра, партия идеалларига садоқат намунасини кўрсатиши лозим бўлган шахслар ўз хулқи билан партиянинг тарбия соҳасидаги сиёсатини бадном қилаётганлиги кишини ҳақли равишда қаттиқ ғазаблантиради. Қорақалпоғистон область партия комитетининг собиқ секретари К. Юсупов идеология масалалари билан шуғуллангани ҳолда ана шу муҳим фаолият соҳасида ахлоқ-одоб нормаларини сурбетларча бузган, ўзининг хизмат лавозимини суиистеъмол қилган. У истиқомат қилиб турган квартира бир йил ичида давлат ҳисобига уч марта ремонт қилинган ва бунинг учун жуда кўп маблағ сарфланган. Аммо у ўз квартираси яқинидаги болалар боғчаси авария ҳолатида эканлигига бепарво қараган.

У ҳатто китоблар нашр этишдан ҳам автоном республика меҳнаткашларининг муваффақиятларини кенг намойиш қилиш учун эмас, балки айрим раҳбарларни, шу жумладан обрўсини тўкиб қўйган шахсларни, ўз шахсини мақташ учун фойдаланган. Қорақалпоғистон область партия комитетининг бюроси — ана шу шуҳратпараст, сиёсий калтабин шахсни лавозимидан бўшатиб жуда тўғри иш қилди.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларида, маданий-маърифий муассасаларда, ижодий союзларда, «Билим» жамиятида ва бошқа оммавий ташкилотларда ишлаётган кадрларга нисбатан эътиборни кучайтириш талаб қилинади.

Аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш тўғрисида алоҳида гапириш керак. Биз кейинги вақтларгача бу масалага лозим даражада эътибор бермадик. Диний хурофотларга муросасозлик билан қараш, унга қарши кураш олиб бормаслик, баъзан эса ҳатто унга йўл қўйиб бериш асло мумкин эмас. Аҳвол шу даражагача бориб етдики, айрим шаҳар ва районларда қаллоб руҳонийлар назоратга чап бериб, одамларнинг ҳаётига ҳам сурбетларча аралашмоқдалар. Партия комитетлари тамомила диний характерда бўлган урф-одат, маросимларда қатнашаётган коммунистларга нисбатан «раҳмдиллик» қилмоқдалар, аслида эса муросачилик йўлини тутмоқдалар.

Бу соҳадаги аҳволни кўнгилдагидек деб кўрсатиш йўлидаги уринишларга ва ана шу масалаларнинг сиёсий жиҳатдан ўткирлигига етарли баҳо бермасликка қарши кураш олиб бориш лозим. Коммунистларга, хусусан раҳбар ходимларга келганда шуни айтиш керакки, уставнинг «диний хурофотларга ва ўтмишнинг бошқа сарқитларига қарши қатъий кураш олиб бориш» тўғрисидаги талабига риоя қилиш улардан ҳар бири учун қонун бўлиб қолиши керак.

Бу гап турмуш тарзимизга хос бўлмаган хатти-ҳаракатнинг бошқа нормаларига ҳам тааллуқлидир. Анъанавий меҳмондўстлик, кексаларга иззат ва ҳурмат билан қараш хушомадгўйлик ва меҳмонларни қабул қилиш вақтидаги ортиқча исрофгарчиликдан иборат эмас. Қуюқ зиёфатлар, баландпарвоз гаплар бизнинг ахлоқимизга бутунлай зид эканлигини тушуниб олиш зарур. Булар бизга мутлақо ёт бўлган манманлик, мақтанчоқлик ва бойвачачаликни эслатади. Ана шу зарарли иллатларни халқ анъанаси қилиб кўрсатиш йўлидаги уринишларга қатъий зарба бериш керак.

Айрим китоблар, журналларда босилган мақолалар, театр постановкалари, телевидение ва радиоэшиттиришлари мавзуларининг саёзлиги, миллий маҳдудлиги, уларда патриархаллик, майда буржуа мотивлари, ўтмишни идеаллаштириш борасида уринишлар борлиги бизни ташвишлантирмай қолаолмайди. Баъзилар буни авторнинг ижодий камчилиги ва қолаверса шунчаки техник нуқсонларгина деб талқин этишга мойилдирлар. Ваҳоланки бундай асарлар афкор оммага катта зарар етказади, уларда асосий ленинча принцип — партиявийлик принципи бузилади. Бундан ташқари улар совет воқелигини бузиб тасвирлайдилар ва республикада олиб борилаётган ишларга ҳалақит берадилар.

Шу муносабат билан ижодий союзларимиз, редакция ва нашриётларимиз раҳбарларининг позицияси тўғрисидаги масала ҳақли равишда ўртага қўйилади. Уларнинг кўпи ва аввало оммавий ахборот воситалари салбий ҳодисаларни йўқотиш йўлида кенг авж олган курашдан ҳали четда турибдилар, камчиликларга жуда журъатсизлик билан истар-истамас қарши чиқадилар.

Матбуот, телевидение, радио — ҳаётимизнинг, ишларимизнинг, муваффақият ва камчиликларимизнинг кўзгусидир, эскилик ва бепарволикка қарши таъсирчан қуролдир. Республикада вазиятни соғломлаштиришга оммавий ахборот воситаларининг қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш керак. Марказий Комитетнинг пропаганда ва агитация, маданият бўлимлари ташаббус кўрсатиб, бу ишни принципиал равишда мувофиқлаштириб олиб боришлари керак.

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг XVI пленуми кишиларда ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётининг ҳамма соҳаларида тартиб ўрнатишимизга умид ва ишонч туғдирди. Бунинг натижасида меҳнаткашларнинг ғайрат-шижоати ўсди, партия органларига юборилган мактублар анча кўпайди.

Марказий Комитет ўтган йили 20 минг, яъни 1983 йилдагига нисбатан 25 процент кўпроқ хат олди. Беш мингдан ортиқ киши қабул қилинди. Бундай манзарани бошқа партия комитетларида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда ҳар бир мактубни чуқур ва синчиклаб кўриб чиқиш ҳамда кишиларнинг асосли сигналлари юзасидан қатъий чоралар кўришдан ҳам муҳимроқ вазифамиз йўқ. Кейинги вақтларда хатлар ва аризалар билан ишлашда анча тартиб ўрнатилди, бу участка қаттиқ назорат қилиб турилибди. Меҳнаткашларнинг сигналларига кўра бир қатор раҳбарлар лавозимларидан бўшатилди ва қаттиқ жазоланди. Лекин шундай бўлса ҳам кўпгина партия, совет ва давлат органлари бу соҳада ҳали қатъий тадбирларни кўрмаяптилар. Республика органлари Тошкентда уй-жойларни тақсимлаш юзасидан белгиланган тартиб бузилганлиги тўғрисида неча юзлаб хат олдилар. Шаҳар партия комитети ўтган йили бу масалаларни икки марта кўриб чиқди, лекин айрим ҳодисалар замирида хатарли ҳолат яшириниб ётганлигини кўришни ҳам истамади, аниқланган фактларга баҳо беришда лозим даражада принципиаллик кўрсатмади.

Шаҳарда уй-жойларни тақсимлашдаги бебошдоқликка чек қўйиш учун Тошкент область партия комитетининг бу масалага аралашуви талаб этилди. Шаҳар ижроия комитети бошқармалари, бўлимларининг, район ижроия комитетларининг фаолиятига раҳбарлик ва назоратни таъминламаганлиги, айрим раҳбар ходимларнинг ўзлари учун жуда яхши уй-жой шароитларини вужудга келтириш тўғрисидаги ўринсиз талабларини қондиришга йўл қўйиб берганлиги учун В. О. Козимовга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. У шаҳар ижроия комитети раиси лавозимидан бўшатилганлиги сизларга маълум.

Кишилар ўз хатларида социал адолат принципларининг бузилишига қарши, медицина муассасаларидаги таъмагирлик, савдо-сотиқдаги алдамчилик, хизмат соҳасидаги қўшиб ёзишларга қарши, коммунал хўжаликдаги сусткашликка қарши қатъий кураш олиб бориш зарур эканлиги тўғрисидаги масалани кўтардилар.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликларни йўқотишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ўтган йили маиший хизмат министрлиги системасида (ўртоқ В. П. Кукенко) қарийб 25 миллион сўмлик иш қўшиб ёзилганлиги аниқланди. Шу вақтгача савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кишилар суқилиб кириб олмоқдалар. Область бўғинидаги беш раҳбарнинг бири ва район бўғинидаги уч раҳбарнинг бири ишлаб турган соҳасининг мутахассиси эмас. Илгари судланган виждонсиз ходимларнинг йўли ҳам тўсиб қўйилган эмас. Масалан ўтган йили Гулистон шаҳар савдо идорасида жавобгарликка тортилган 22 ходимнинг 12 таси илгари судланган экан.

Савдо министрлиги (ўртоқ М. Ҳ. Ҳасанов), Ўзбекбирлашув правлениеси (ўртоқ З. Ш. Сирожев) кўп истеъмол қилинадиган молларни яшириб қўйишга қарши, чайқовчиликка, чойчақа йиғиш, торозидан, қайтимдан уриб қолиш, харидор ва мижозларни алдашга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги Марказий Комитет XVI пленумининг талабини жуда суст бажармоқдалар.

Партия органлари, маҳаллий Советлар бу масала хусусида жиддий ўйлаб кўришлари керак. Марказий Комитетнинг савдо ва маиший хизмат бўлими ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида тартиб ўрнатиш юзасидан жиддий ва принципиал тадбирларни амалга ошириши лозим.

Республика олий ўқув юртларида катта нуқсонлар бор. Самарқанд университети, Тошкент политехника, тўқимачилик, медицина институтларида, Бухоро технология институтида порахўрлик каби ярамас ҳоллар рўй берди. Яқинда Тошкент автомобиль ва транспорти йўллари институтида пора йиғиб олиш каби жуда ярамас ҳоллар юз берди.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг раҳбарлари ва шахсан министр ўртоқ С. П. Пўлатов бундай ҳодисаларнинг ҳаммасини кўрмаяпти ёки кўришни истамаяпти.

Марказий Комитет секретариати, область, шаҳар, район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар меҳнаткашлардан олинадиган сигналларни ўз вақтида ва принципиал тарзда кўриб чиқишга эришишлари, хатларни жойлардаги маънавий—психологик вазият тўғрисидаги ахборотнинг муҳим манбаларидан бири деб баҳолашлари зарур. Шу билан бирга партия, совет, давлат органларига очиқдан-очиқ туҳматдан иборат аноним хатлар келиб турганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳалол, талабчан раҳбарларни бадном қилиш, кадрларга нисбатан ишончсизлик туғдириш йўлидаги уринишларга қатъиян зарба бериш лозим.

Интизомни мустаҳкамлаш, кадрларнинг масъулиятини ошириш соҳасидаги ишнинг самарадорлиги ошкораликка кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кейинги вақтларда республика газеталарида бир қатор ўткир материаллар эълон қилинди. Уларда илғор тажриба ҳақида ҳам, у ёки бу раҳбарнинг ишидаги камчиликлар тўғрисида ҳам очиқ гапирилди. Партия билан халқ раҳбарлик лавозимларини ишониб топширган ходимларнинг фаолияти тўғрисида совет кишилари ҳамма нарсани билишга ҳақлидирлар.

Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан, меҳнат коллективларидаги йиғилишлардан, оғзаки пропаганда ва агитациядан кенг фойдаланиш зарур.

Бу вазифани ҳал этиш формаларидан бири ягона сиёсий кунлардир. Ягона сиёсий кунлар омма билан алоқани мустаҳкамлашнинг, республикадаги вазиятни соғломлаштиришни чуқурлаштиришнинг самарали воситаси бўлиб қолди. Ҳар ойда минглаб раҳбар ходимлар меҳнат коллективлари олдида сўзга чиқмоқдалар.

Ушбу практикани бундан кейин ҳам такомиллаштириш, тарбиявий ишга барча раҳбар активларни жалб этиш, одамлар ўзларини тўлқинлантираётган барча масалаларга жавоб олишларига эришиш, улар киритган таклифлари ва асосли илтимослари юзасидан конкрет тадбирлар кўрилишига эришмоқ керак.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳуқуқ—тартиботни сақлаш органларини партия ишига садоқатли, дадил ва принципиал, юқори малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ССР прокуратураси, ички ишлар министрлиги раҳбарлиги қарийб тўла янгиланди. Худди шундай иш юстиция министрлигида, республика Олий судида ва уларнинг жойлардаги бўлинмаларида ҳам амалга оширилди.

Кейинги икки йил мобайнида ички ишлар органларига меҳнат коллективларининг 9 минг вакили, шу жумладан, 1800 коммунист ва беш ярим минг комсомол юборилди. Амалга оширилаётган ишлар сезиларли натижалар бермоқда. Маъмурий органларнинг жиноятчиликка қарши олиб бораётган кураши активлашди, ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг илдизлари чуқурроқ очиб ташланмоқда, социалистик мулкни ўғирлаш ва жамиятга қарши бошқа кўринишдаги жиноятларнинг йўли тўсиб қўйилмоқда.

Аммо амалга оширилган ишлар бизни ҳали асло қаноатлантирмайди. Ҳуқуқ — тартиботни бузиш, қонундан четга чиқиш фактлари секинлик билан камайиб бормоқда.

Чайқовчилик сингари шармандали ҳолларга қарши айниқса муросасиз кураш олиб бориш лозим. Кейинги пайтда чайқовчилик билан шуғулланишга доир уч мингдан зиёд факт очиб ташланди. Мамлакатнинг турли шаҳарларида республикадан қонунсиз равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотини олиб кетиб, қиммат нархда сотаётган кимсалар ушланди. Бундай ҳолларнинг ҳар бири партия комитетлари, маҳаллий Советларда талабчанлик билан муҳокама этилиб, уларга принципиал баҳо берилиши зарур. Меҳнат қилмай бойлик орттириш йўлига ўтиб олганларнигина эмас, балки ерни шундай кишиларга ижарага берувчи, сохта справкалар тутқазувчи, пул эвазига транспорт берувчи ва шу сингари хатти-ҳаракатларга аралашган мансабдор шахсларни ҳам жавобгарликка тортиш керак.

Республикада мансабини суиистеъмол қилиб, жиноят содир этишга барҳам бериш соҳасида кескин чоралар кўрилмоқда. Бу ишни ғоят қатъият ва принципиаллик билан давом эттириш лозим. Бундан буён ҳам милиция, суд, прокуратура ва юстиция органларини синалган кадрлар билан мустаҳкамлаш, тартибни сақлаш ходимлари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, уларнинг профессионал омилкорлигини ошириш, милициянинг шахсий состави ўртасида тарбиявий иш олиб боришни кучайтириш лозим.

Бу борада ички ишлар министрлигида янгидан ташкил этилган сиёсий органларнинг роли жуда муҳимдир. Айни бу органлар ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, кадрларни чекистларнинг шонли анъаналари руҳида ва жамоат тартибини сақлаш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга даъват этилгандирлар, улар бу соҳада партиянинг сиёсатини изчил амалга оширишлари лозим.

Бироқ сиёсий органлар ҳамма йўналишларда ҳам ўз фаолиятларини тўла авж олдириб юборганлар деб бўлмайди. Бу ҳол баъзи милиция ходимларининг ўз хизмат бурчиларига етарли эътибор бермаётганликларида, айрим ходимларнинг эса ўзлари ҳуқуқ-тартиботни бузиш йўлига ўтиб олишдан иборат йўл қўйиб бўлмайдиган фактларни содир қилишида намоён бўлмоқда. Партия комитетлари бундан буён ҳам милиция, прокуратура ва суд ходимларининг масъулиятини қатъият билан оширишлари, айни пайтда бу соҳада майда-чуйда ишларга воселик қилмасликлари, оператив ишларга аралашмасликлари лозим. Қонунларни бузишга қарши курашда ҳуқуқ-тартибот хизмати, халқ контроли органлари ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратини пухта мувофиқлаштириш керак.

Ҳозирча етарли эътибор берилмаётган яна бир муҳим масалага тўхталмоқчиман. Гап министрликлар ва идораларнинг контрол-ревизия хизмати кадрлари ҳақида бормоқда. XVI пленум қатъий давлат назорати учун олиб борилаётган курашнинг бу ғоят масъулиятли участкасида ким қандай иш олиб бораётганлигини обдон текшириб чиқишни талаб қилган эди. Лекин ҳамма тармоқларнинг раҳбарлари ҳам, министрлик ва идораларнинг партия ташкилотлари ҳам бундан зарур хулосалар чиқариб олганларича йўқ. Ҳанузгача бир қатор жойлардаги масъул соҳаларда ноқобил, кўпинча қўли эгри кишилар ишлаб турибди.

Идоравий контрол — социалистик мулкни талон-тарож қилишнинг, қўшиб ёзишлар, корхона, ташкилот ва хўжаликлар фаолиятидаги белгиланган тартиб ва қоидаларни бузишнинг олдини олишнинг бошланғич ва энг муҳим воситасидир. Бу соҳада салкам 2,5 минг кишидан иборат катта аппарат иш олиб бормоқда. Улар пухта ва самарали ишлаши учун ҳамма чораларни кўриши керак.

Хўжалик ва ҳуқуқий практикада халқ мулки йўқолиб, талон-торожчилар қўлига ўтиб кетиши мумкин бўлган ҳамма туйнукларни маҳкам ёпиб ташлаш керак.

Салбий ҳодисаларга қарши курашда ягона фронтни вужудга келтириш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва контрол органларининг, халқ контроли ва ишчилар назоратининг мустаҳкам ҳамкорликда ишлашини таъминлаш, жамоат бойлигига кўз олайтириб, жамият ҳисобига бойлик орттиришга урунувчиларга бирон-бир имконият қолдирмаслик керак.

Тақсимот ва хўжалик юритишнинг социалистик принципларидан андак чекиниш ҳам меҳнат ва социал пассивликни, текинхўрликни, даромадлар ва бойликларни қайта тақсимлашнинг яширин формаларини келтириб чиқариши мумкинлигига ва ҳақиқатан ҳам шундай жиддий ва салбий оқибатларга олиб келишини ҳаёт кўрсатиб турибди. Меҳнат қилмай бойлик орттириш, айрим шахсларнинг шубҳали ёҳуд қонунсиз бойликлар ҳисобига вақтинча бўлса ҳам яшаши мумкинлиги айни шу социалистик турмуш нормаларидан четга чиқиш оқибатида пайдо бўлади. Бундай шахслар ўзларининг хулқ—атвори ва турмуш тарзи билан ҳалол меҳнаткашларга масхараомуз қараб, маънавий бойликларимизни оёқости қиладилар. Ақл-идрок номуси таъсир қилмайдиганлар, виждон ва гражданлик бурчи кор қилмайдиганлар йўлида қонуннинг ўзгармас кучи тўсиқ бўлиши лозим.

Социалистик мулкка кўз олайтираётган кишиларга, порахўрларга, давлат бойлигини ўғирловчиларга келганда Лениннинг: «Бу масалада ҳар қандай бўшанглик қилиш, ҳар қандай иккиланиш, ҳар қандай раҳмдиллик қилиш — социализм олдида қилинган ғоят катта жиноятдир» деган огоҳлантиришини ҳамиша эсда тутиш керак. Ленин огоҳлантирган мана шундай бўшанглик ва иккиланишга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг ўтган йил декабрь ойида идеология иши бўйича ўтказилган илмий-амалий конференцияда қилган докладидаги ушбу қоидалар республика партия, совет, хўжалик органларининг ҳамиша диққат марказида туриши лозим.

Ўртоқлар! Кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг асосий мақсади ва пировард натижаси партиянинг социал—иқтисодий планларини муваффақиятли амалга оширишдан иборат. В. И. Ленин уқтирганидек, сиёсат— экономиканинг мужассамлашган ифодасидир. Республика партия, совет, хўжалик органларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иши, партиявий раҳбарлик савияси айни хўжалик ва маданий қурилиш самарадорлиги кўрсаткичларида ўз ифодасини топади.

Бу муҳим талабларни инкор этиш, кўпинча эса қўпол равишда баҳо бера билмаслик кадрлар билан ишлашдаги қўпол хатоликлар ўтган йилларда экономикага раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга олиб келди. Кўпгина раҳбарлар асосан экстенсив ривожланиш омилларини кўзлаб иш олиб боришди. Улар жуда катта капитал маблағлар олиб, асосан янги қурилишлар ҳақида, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳақида ўйлашди. Бу йўл ишлаб чиқаришни ўстиришнинг интенсив омилларига, яъни машина-ускуналарнинг иш билан тўла таъминланиши, уни янгилаш, ишлаб чиқариш ва меҳнатини яхшироқ ташкил этиш, ҳамма жойда ва ҳар соҳада тежамкорлик қилишга нисбатан бир мунча енгил деб билдилар. Қандай қилиб бўлса ҳам иложи борича кўпроқ маблағ ва ресурслар олиш ҳамда айни пайтда маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича мумкин қадар камроқ топшириқлар олишга эришиш ҳатто шавкатли иш деб ҳисоблаб келинарди. Оқибатда республикада жиддий социал-иқтисодий номутаносиблик вужудга келди. Бир томондан шахсий ёрдамчи ва уй-хўжалигида банд бўлган катта ёшдаги, меҳнатга лаёқатли аҳоли кўпайди. Иккинчи томондан, мавжуд қувватлардан ишчи кучи етарли бўлмаганлиги учун тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Кейинги пайтда Марказий Комитет ва республика ҳукумати аҳволни яхшилашга қаратилган бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширди. Марказий Комитет бюроси Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Республикада вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалидан самарали фойдаланиш, республиканинг меҳнатга яроқли аҳолиси халқ хўжалиги тармоқларида банд бўлишини ошириш ҳамда ортиқча меҳнат ресурсларини янги ўзлаштирилаётган районларга кўчириш юзасидан тадбирлар тасдиқланди. Кейинги пайтда қўриқ областларга 1250 та оила кўчирилди. Бу иш яна давом эттирилади.

Хўжаликларнинг раҳбар кадрлари масъулиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги пайтларгина бинокорлик материаллари саноати, молия, автомобиль транспорти, алоқа, савдо, қурилиш министрликлари, «Госкомводстрой» ва бошқа министрлик ҳамда идораларнинг раҳбарлари ва партия комитетлари секретарларининг ҳисоботлари тингланди. Айни пайтда бундай муҳокамаларнинг характери ҳам янада талабчан ва қатъиятлилик тусини олди.

Натижада халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида ижобий силжишларга эришилди. Саноатда маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани бажарилди, капитал қурилиш сифати ошди, плансиз объектлар қурилиши амалда барҳам топди. Ингичка толали пахта, дон, сабзавот, узум, полиз экинлари маҳсулоти, мева, картошка, жун, каноп тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг тўрт йили топшириқлари бажарилди. Пахта тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг тўрт йили топшириқлари бажарилди. Пахта тайёрлашнинг янги системаси тола чиқишини ошириш имконини берди. Натижада пахта маҳсулоти олдинги йиллардагидан анча кўп олинишини таъминланди.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мавжуд потенциалдан яхшироқ фойдаланиш соҳасида ҳали туб бурилиш бўлгани йўқ.

Саноатда фонднинг самараси ҳамон пасайиб кетмоқда, меҳнат унумдорлиги камаймоқда. Ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамон дуруст фойдаланилмаяпти.

Мана баъзи мисоллар. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида аммиак «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида химиявий тола ишлаб чиқариш қувватлари 1983 йил декабрь ойидаёқ фойдаланишга топширилган эди. Ўтган йили Чирчиқдаги ишлаб чиқариш қувватидан 45 процент, Навоийдаги қувватдан эса 27 процент фойдаланилди. Ҳозир ҳам аҳвол яхши эмас.

Асосан меҳнатга яроқли аҳоли кўп бўлган қишлоқ жойларида қурилган корхоналарнинг филиалларида ҳам узоқ вақтгача муқим ишчи коллективларини шакллантириш мумкин бўлмаяпти. Бухоро тўқимачилик комбинатининг Яккабоғ шаҳридаги сурп газлама ишлаб чиқаришга мўлжаллаб ишга туширилган филиали ўтган йил декабрь ойидан буён ниҳояти уч процент қувват билан ишламоқда.

Ҳолбуки, партия, совет хўжалик органларининг раҳбарлари корхона ва филиалларни қуришнинг зарурлигини ҳар турли далиллар билан изоҳлаб, улардан жуда самарали фойдаланишга қоп-қоп ваъда беришган эди. Шундан кейин ишнинг ҳозирги аҳволи масъулиятсизлик ва маҳаллийчиликнинг ўзгинаси деб айтишдан бошқа чора қолмаслигини кўрсатиб турибди.

Мавжуд меҳнат ресурсларини ва аввало маҳаллий миллат аҳолисидан индустриал ишчилар синфини тайёрлаш масаласи уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилишда тобора ўткир масала бўлиб қолмоқда. Малакали кишиларнинг етишмаслиги фан-техника тараққиётини белгиловчи металлургия, машинасозлик, химия ва бошқа тармоқларда айниқса кучли сезилмоқда.

Ҳолбуки, кейинги пайтларгача ҳунар-техника билим юртлари қурилишига етарли эътибор берилмай, уларни ишга тушириш планлари барбод қилиб келинди. Беш йиллик бошидан буён бу объектларда 37 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилмади. Салкам 3 минг ўринли билим юртлари қурилишининг ишга туширилиши таъминланмади. Бу иш Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент областларида ва Тошкент шаҳрида айниқса қониқарсиз аҳволда олиб борилмоқда.

Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Ҳунар-техника таълими объектларини ишга тушириш планларининг бажарилмаслигига қурувчилар ҳам, буюртмачи министрликлар ҳам жавобгар бўлишлари керак. Бу ишда партия, совет органлари ҳам четда турмаслиги зарур, албатта.

Экономикани интенсивлаш изига ўтказиш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва бу соҳадаги энг янги ютуқларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга боғлиқ. Аммо, кўпгина раҳбарлар бу масалаларнинг аҳамиятига етарли баҳо бермаяптилар. Ўтган йили 74 та министрлик ва идорадан 39 таси фан ва техникани ривожлантириш топшириғини бажара олмади. Бинокорлик материаллари саноати, мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Узглавстройдревпром», «Узглавхлопкопром» ва бошқа министрлик ҳамда идораларга қарашли корхоналар катта қолоқликка йўл қўйишди.

Министрликлар ва идораларда зиммасига фан-техника тараққиёти масалаларини ҳал этиш вазифаси топширилган кадрлар ишлаб чиқариш-техника бошқармаларига, бўлим ва хизматларга тўғри танланганми ёки йўқми, улар етарли даражада омилкорми, янгиликка интилишлари ва қарашлари қандай—ана шулар ҳақида пухта ўйлаб кўриш керак бўлади. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, мана шу муҳим бўлинмаларга кадрлар танлашда ишлар кўнгилдагидек эмас. Ҳатто, республика Госпланининг фан ва техника бошқармасида ҳам фан-техника тараққиёти проблемаларидан ва ишлаб чиқаришдан анча узоқ бўлган кишилар бор.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономиканинг турли тармоқларини ривожлантириш энг муҳим бўғинларни белгилаш масалаларида олимларнинг тавсияларига кенг таяниш лозим. Бизда илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларининг кенг тармоғи яратилган ва улар ишлаб турибди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари, бошқа лойиҳа, конструкторлик муассасалари ўз ишларини ишлаб чиқариш эҳтиёжларига буриб юборишлари, республиканинг асосий социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришлари керак.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш шароитида ходимларнинг омилкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Лекин кўпгина партия комитетлари, совет, хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар бу масалага тегишлича эътибор бермаяптилар, мутахассислардан ҳар томонлама фойдаланиш, уларни жой-жойига тўғри қўйишга эришмаяптилар. Саноатда салкам 37 минг инженер ва техник ишчи вазифасида ишлаяпти. Қишлоқ хўжалигида махсус маълумоти бўлган тўрт минг киши шундай билимларни талаб қилмайдиган вазифаларда банд. Айни пайтда раҳбар ва инженер лавозимларида 20 мингдан зиёд практик ишлаб турибди.

Биринчи ўринга хўжалик фаолиятининг иқтисодий омиллари қўйилган ҳозирги пайтда тегишли хизмат соҳаларини мутахассислар билан таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Кўпгина министрликларда штатдаги экономистларнинг деярли ярми етишмайди. Айни бир пайтда салкам 12 минг экономист ўз соҳасида ишламаяпти.

Бугунги кунда чуқур иқтисодий билимларсиз, социализмнинг иқтисодий қонунлари моҳиятини билмасдан туриб, ишлаб чиқариш, хўжалик ишида муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди.

Кейинги пайтда халқ хўжалиги корхоналари ва тармоқларининг молиявий аҳволига кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди, умуман хўжалик фаолияти сифати масалалари билан маҳкам боғлаб ҳал этилмоқда. Шунга қарамай республика экономикасидаги молиявий интизомнинг даражаси жиддий ташвиш туғдирмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида халқ хўжалиги планда кўзда тутилган 1 миллиард сўмликдан зиёд фойдани ололмади.

Қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги, озиқ-овқат, мебель саноати, аҳолига маиший хизмат, қурилиш министрликлари, «Госкомводстрой»да оғир молиявий аҳвол юз берди. Қашқадарё заготхлопкопроми айниқса, хўжаликни ёмон юритди. Бу ерда 76 миллион сўм зарар кўрилди. Сурхондарё заготхлопкопроми 61 миллион сўм, «Джизакстрой» тресті 28 миллион сўм, «Ташпромстрой» қарийб 3 миллион сўм, Когон ёғ-мой заводи 4 миллион сўм зарар кўрди.

Бундан буён хўжаликни бу хилда юритиш мумкин эмас. Партия, совет ва хўжалик органлари молиявий масалаларни диққат марказида тутишлари, бу масала билан кун сайин, энг муҳими, омилкорлик билан шуғулланишлари лозим.

Экономика ва кадрлар сиёсатини амалга оширишдаги камчиликлар айниқса қишлоқ хўжалигида намоён бўлмоқда. Аграр секторни интенсив ривожланиш изига жадал ўтказишнинг зарурлигини бу соҳага янгича ёндашиш, тармоқни бошқаришни қатъиян яхшилаш зарурати тақозо этмоқда. Яқинда қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги министрликларининг раҳбарлари ўзгартирилди. Янги министрлар — А. И. Икромов, Р. А. Абдуллаев ўртоқлар агросаноат комплексини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб боришлари керак.

Ахир, ҳатто, қишлоқ хўжалиги министрлиги аппаратида номенклатурадаги 466 олий маълумотли мутахассис лавозимидан 70 процентигина олий маълумотлидир, салкам 20 етакчи мутахассис умумий ўрта маълумотлидир. Мева—сабзавот хўжалиги министрлиги системасида раҳбар ва мутахассис лавозимидаги ходимларнинг учдан бир қисми олий маълумотлидир, ҳар икки ходимдан бири ўрта махсус маълумотлидир.

Зоотехник, ветеринария врачи, экономистлар қишлоқда ҳамон етишмаяпти. Колхоз ва совхозларнинг икки юздан зиёд раҳбари қишлоқ хўжалик мутахассиси эмас. Бухоро областида ҳар бешта колхоз раисининг бири, мева-сабзавот хўжалиги министрлиги совхозлари директорларининг 40 проценти қишлоқ хўжалиги маълумотига эга эмас. Сўнгги тўрт йил мобайнида раҳбар лавозимларни эгаллаган тажрибакорлар миқдори камаймаяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, агросаноат комплекси, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг кўпчилиги ҳамон бошқаларнинг ёрдамига суянадилар, улар дала ишларини бажаришда ва айниқса, ҳосил йиғим-теримида шаҳарликлар, студентлар ва мактаб ўқувчиларига умид боғламоқдалар.

Ўқувчиларни ишлаб чиқариш таълими ва меҳнат тарбиясига боғлиқ бўлмаган қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишни тугатиш зарур. Область, район ва хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги министрлиги ходимлари шуни яхши билсинларки, техникадан самарали фойдаланиш, мавжуд меҳнат ресурсларини сафарбар этиш учун улар биринчи навбатда жавобгардирлар. Бу проблемани ҳозироқ ҳал этиш керак.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг ўсиб бораётган иқтисодий ва социал вазифаларини меҳнаткашларнинг актив, манфаатдорлик билан ва чинакамига иштирокисиз, уларни ҳар бир корхона, қурилиш, хўжалик ва муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган кундалик масалаларни ҳал этишга қатнаштирмай туриб бажариб бўлмайди.

Меҳнат ҳақидаги қонун бунда кенг имкониятлар яратиб беради. Меҳнаткашлар интизом ва тартибни мустаҳкамлаш ташаббускори бўлиб чиқаётган жойларда интизом ва тартибни бузиш ва прогул қилишга, штурмчилик қилишга ва план топшириқларини барбод қилишга, брак маҳсулот ишлаб чиқариш ва қўшиб ёзишларга ўрин қолмайди. Аксинча, маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари ишчиларнинг фикрига қулоқ солмаётган, бригада пудрати ва меҳнатни ташкил этишнинг бошқа илғор усуллари жорий этилмаётган, ишнинг натижаси учун коллектив масъулият ҳис этилмаётган жойларда иш вақти ҳамон кўп нобуд бўлмоқда, кадрлар қўнимсизлиги кўпаймоқда. План ва мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланмаяпти.

Бугунги кунда касаба союзлари миллион-миллион меҳнаткашлар учун бошқарув мактаби, хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм мактаби деган ленинча қоида ўзининг чуқур маъносини тўла ва бутун аҳамияти билан намоён этмоқда. Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, касаба союзлари Советлари ва комитетлари барча меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини ҳар бир иш жойида интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қаратишлари, халқ мулкига авайлаб муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялашлари, социалистик мусобақанинг ижодий куч-қудратини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга қаратишлари, ҳар бир меҳнатчида корхона, ташкилот, муассасадаги ишларнинг аҳволи учун хўжайинларча масъулият туйғусини тарбиялашлари зарур. Айни пайтда касаба союзлари меҳнаткаш инсон манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳам, уй-жой, путёвка ажратишда, ижтимоий-истеъмол фондларини тақсимлашда социал адолат принципларига риоя этилишини таъминлашлари лозим.

Республика комсомоли Марказий Комитети, барча комсомол комитетлари ва ташкилотлари ёшларни тарбиялашга тобора кўпроқ ҳисса қўшишга даъват этилгандир. КПСС Марказий Комитетининг комсомол ҳақида қабул қилган маълум қарори республика комсомоли зиммасига йигит ва қизларни меҳнат ва Ватан ҳимоясига яхшироқ тайёрлаш, ёш авлодни ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар сафига кенгроқ жалб қилиш, умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини ислоҳ қилишни тезроқ амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифасини юклайди.

Партия ташкилотлари, совет, давлат органлари КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларига амал қилиб, халқ хўжалиги механизмининг ҳамма бўғинларини экономикани интенсив ривожланиш изига жадал ўтказиб юборишга бўйсундиришлари лозим.

Республика Министрлар Совети, Госплани ишлаб чиқариш потенциали ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини пухта белгилаб беришлари керак. Экономиканинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш, халқ хўжалигини интенсив юритиш, бошқаришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, қаттиқ ҳисоб-китоб ва контролга эришишда министрлик ва идораларнинг масъулиятини кучайтириш лозим, токи план, давлат интизомини бузиш, ўғирлик қилиш, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик қилиш ҳоллари батамом барҳам топсин.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига яқинда бўлиб ўтган сайлов катта сафарбар этувчилик аҳамиятига молик бўлган воқеадир. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг минг-минглаб энг яхши вакиллари давлат ва жамият ишларини бошқаришга келди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми янги чақириқ Советлари ўз фаолиятининг дастлабки қадамлариданоқ қонунларимиз сўзсиз ва ҳамма жойда бажарилиши, давлат манфаатларига риоя қилиниши, барча мансабдор шахслар меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун қаттиқ жавоб беришлари учун, халқ сайлаб қўйган вакилларнинг юксак ҳуқуқлари ва ваколатларидан тўла фойдаланиш учун ҳамма чораларни кўриши керак. Сайловчиларнинг наказлари, меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазалари бажарилиши учун депутатлар назорат ўрнатишлари ва ҳар қандай лавозимдаги раҳбарларнинг шахсий масъулиятини белгилашлари лозим. Бу соҳада ҳали кўп камчилик ва нуқсонлар борки, уларни бартараф этиш учун Советларнинг роса иш қилишлари керак бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ва секретариати ўз ишини янада яхши йўлга қўйиши, интизомни мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш ҳамда жамоат ҳаётидаги ишларнинг аҳволи, республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий, энг муҳим проблемаларини тўғри ҳал этиш учун кадрларнинг масъулиятини кучайтириш йўлини янада қатъият билан ўтказиш керак.

Марказий Комитет бўлимлари, партия комитетлари ишлаб чиқилган йўлни амалга ошириш учун кўпроқ ташаббус кўрсатишлари, қатъиятли бўлишлари, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун контролни қаттиқ кучайтиришлари лозим.

Ўртоқлар! Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, интизомни мустаҳкамлаш ва масъулиятни ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг ишини таҳлил этар экан,

(Давоми 4-бетда).

ИШДА ЛЕНИНЧА УСЛУБНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

(Боши 1-, 2- 3-бетларда).

Марказий Комитет бюроси пленум иштирокчиларининг диққат-эътиборини ҳамон йўл қўйиб келинаётган камчиликларга, ҳал этилмаган проблемаларга ва аҳволни яхшилаш йўлларига қаратишни лозим деб топди.

Республика партия ташкилотида йирик, принципиал масалалар юзасидан сайлаб қўйилган актив билан маслаҳатлашиб олишдан иборат яхши анъана таркиб топмоқда. Ушбу пленум арафасида Марказий Комитет секретарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари билан суҳбатлашиб олишди. Ўртоқлар доклад билан танишишди. Бир қатор қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Суҳбат чоғида якдиллик билан шундай фикр билдирилди: интизомни мустаҳкамлаш ва кадрлар масъулиятини оширишдан иборат авж олдириб юборилган ишни сира ҳам бўшаштирмаслик керак, қилинган ишлар ҳақида ҳам, мавжуд қийинчиликлар ва камчиликлар ҳақида ҳам коммунистларга, барча меҳнаткашларга ўз вақтида ва очиқ-ойдин айтавериш керак. Партиянинг совет кишиларига қарата айтган очиқ, ҳалол сўзи ҳамиша тўғри тушунилишини ва фидокорона меҳнат билан, ижтимоий активлик, юксак онглилик, уюшқоқлик билан қўллаб-қувватланишини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Марказий Комитет шунга қатъий аминдирки XVI пленум йўлини давом эттирган ва ривожлантирган бугунги очиқ-ойдин ва принципиал фикр юритишимизни коммунистлар ишчанлик билан қабул қилишади, бу эса партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ишига хизмат қилади. Ушбу пленум амалга ошираётган ишларимизнинг янги босқичи бўлиб қолиши керак.

Интизомни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўли ўзгармас йўл бўлиб қолаверади. Ўзининг XXVII съездига бевосита тайёргарлик босқичига кирган партиямизнинг принципиал сиёсати шундайдир. Бўлажак партия съезди КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини қабул қилиши туфайли унинг аҳамияти яна ҳам ортади. Шу боисдан босиб ўтилган йўлни ҳар томонлама мушоҳада қилиш ишларнинг ҳозирги аҳволига аниқ, илмий баҳо бериш, олдимизда турган вазифаларнинг бутун янгилиги ва мураккаблигини ҳар бир коммунист онгига, ҳар бир меҳнаткаш онгига етказиш, уларни ижодий тарзда ҳал этиш эҳтиёжини кучайтириш муҳимдир.

Кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, партия комитетлари ва ташкилотлари фаолияти даражасини оширишда партия группалари, цех ва бошланғич ташкилотлар, район, шаҳар ва область партия ташкилотларида ўтадиган навбатдаги ҳисобот-сайлов кампанияси янги муҳим босқич бўлади. Ҳисобот ва сайловлар коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги вазиятида, партия комитетлари ва ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини такомиллаштириш белгиси остида ўтиши керак.

Бугунги кунда республикада кадрлар масаласини ҳал этиш учун айниқса, қулай имкониятлар мавжуд. КПСС Марказий Комитети республика партия, совет, давлат қурилишининг ҳал қилувчи участкаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлашга катта эътибор бериб, ёрдам кўрсатмоқда. Марказий Комитет аппаратидан, ижтимоий Фанлар академияси ва олий партия мактабларини битирувчилардан, мамлакатнинг турли областлари партия ташкилотларидан Ўзбекистонга бир қанча партия ходимлари юборилди. Улар етук партия, совет ходимлари бўлиб, уларнинг келиши мамлакатдаги йирик партия ташкилотларининг энг яхши тажрибасини тўплаш имконини беради.

Республикамизга бундай ёрдам кўрсатиш бундан буён ҳам давом этаверади. Бу партиямиз, унинг кадрлар сиёсатининг чинакам интернационал характерда эканлигининг яққол намунасидир.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига партиявий раҳбарликни яхшилаш, КПСС Марказий Комитети март Пленуми талаблари асосида иш услубини тубдан яхшилаш бугунги кунда энг зарур вазифалардан биридир. Партия юқоридан қуйигача партиявий фаолиятни такомиллаштириш йўлини амалга оширмоқда, бу йўл бундан буён ҳам оғишмай амалга оширилаверади.

Ўртоқлар! Республикада интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини кучайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар конкрет, амалий ишларда рўёбга чиқарилиши керак. Бизнинг партиямиз ҳамиша сўз билан иш бирлиги, фикр ва ҳаракат бирлиги билан кучлидир. Ҳозирги шароитда бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишлардаги амалиётчилик ва ишбилармонлик талаблари бекиёс ўсмоқда. Аввало партия талабларини, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми кўрсатмаларини, ушбу Пленум қарорларини ҳар бир партия комитетига, ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистга, жонли амалий ишларга етказиш керак.

Бугунги кунда барча партия, совет, хўжалик ходимларидан барча кадрларимиздан, ҳар бир раҳбардан топширилган иш участкасида муваффақиятни таъминлаш, олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш учун энг кўп даражада уюшқоқлик ва масъулият талаб қилинади. Белгиланган режаларимиз рўёбга чиқиши учун ғайрат-шижоат билан ишлаш; Совет Ўзбекистонининг Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун ниҳоятда зўр ғайрат-шижоат билан ишлашимиз керак бўлади.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашиб, ҳамиша ва ҳар ишда юксак замонавий талаблар даражасида бўладилар, 1985 йил ва умуман беш йиллик планлари ва мажбуриятларини сўзсиз бажариш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини янги зафарлар билан кутиб оладилар деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсизлар.

(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва кўп марта қарсаклар билан бўлиниб турди).

* * *

Ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг доклади юзасидан музокаралар бошланди. Нотиқлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия ташкилотлари жанговарлигини ҳар томонлама оширишга, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни партиявий турмушнинг ленинча нормаларига қатъий риоя этиш, топширилган иш учун шахсий масъулиятни юксак даражада англаш руҳида тарбиялаш соҳасидаги бутун ишни такомиллаштиришга қаратилган йўлини тўла-тўкис маъқуллаб, ҳозирги пайтда КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленумида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида ўртага қўйилган талабларни амалда тўла-тўкис рўёбга чиқариш энг муҳим вазифа эканини таъкидладилар. Коммунистларнинг биринчи галдаги вазифаси — партия ва давлат интизомини кун сайин мустаҳкамлашдан, ҳар бир участкада, ҳар бир меҳнат коллективида белгиланган планлар ва олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилишдан иборат. Пленумда очиб ташланган камчиликларни тезроқ тугатиш, халқ хўжалигининг ҳар бир участкасида яхши тартиб ўрнатиш билан боғлиқ бўлган масалалар алоҳида ўткирлик ва принципиаллик билан қўйилди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **К. Саликов** қилинган ишларни таҳлил этиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин кадрларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатлари чуқурроқ ўрганила бошлаганини уқтиради. Коммунистларнинг ножўя ишлари аввало бошланғич ташкилотларда муҳокама қилинмоқда. Ишларнинг аҳволи учун партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг масъулияти оширилди. Экономикани ривожлантиришга партиявий таъсирни кучайтиришнинг энг яхши форма ва методлари қидириб топилмоқда. Раҳбар кадрларнинг состави янги, ёш кучлар билан анчагина тўлдирилди. Тажрибали кадрлар билан бирга навқирон, истиқболли ходимлар энг муҳим участкаларга раҳбарлик қила бошлади.

Нотиқ бир қанча мисолларни келтириб, Қорақалпоғистонда кадрлар билан ишлаш соҳасида катта-катта нуқсонларга йўл қўйилганини кўрсатиб берди.

Нотиқ партия органларининг иш услубини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб, пленум қатнашчиларининг эътиборини вакиллар юборишдек кераксиз практикага қаратди. Айрим раҳбар ходимлар районларга доимо вакил бўлиб туриб, ўз вазифаларини фақат шундангина иборат деб билдилар, ўзларига ишониб топширилган участкадаги ишни бўшаштириб юбордилар. Натижада жойларда масъулиятсизлик вазияти вужудга келди, маҳаллий раҳбарларнинг ташаббуси бўғилди. Ҳозир партия ташкилоти маҳаллий органларнинг кучига, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг обрў-эътиборига ишончни мустаҳкамламоқда.

Ҳаётимизни салбий ҳодисалардан тозаламай, жамият манфаатларига қилинадиган ҳар қандай ҳамлаларни тугатмай туриб, бундан буён муваффақиятли равишда олға силжишга эришиб бўлмайди, деб таъкидлади Тошкент экскаватор заводининг кранчилар бригадири **Т. А. Гаврилова.** Бу эса коммунистларнинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Айни улар гражданлик бурчини бажаришнинг, виждонан меҳнат қилишнинг, ҳаётда актив позицияда туришнинг намунаси бўлишлари керак.

Бултур экскаватор заводи ёмон ишлади. Ишлаб чиқариш программаси бажарилмай қолишига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашдаги жиддий нуқсонлар сабаб бўлди. Корхона партия комитети ўз юксаклиги даражасида бўлмади, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан тегишли хулосалар чиқариб олмади: аввалгидек план топшириқларининг бажарилмаслиги, кўзбўямачилик, ҳисоботни сохталаштириш йўли билан ниқобланди. Нотиқ шу ҳақида гапирар экан: хўжалик механизмининг тўғри ишлаши аслида корхона раҳбарларининг софдиллигига боғлиқ қилиб қўйилиши тўғрими? Заводга раҳбарлик қиладиган қурилиш, йўл, машинасозлик министрлиги ҳисоботларнинг тўғри юритилиши устидангина эмас, шу билан бирга умуман раҳбарларнинг хўжаликни тўғри бошқариши устидан ҳам амалий контролликни нега таъминламайди? Агар шундай қилиш зарур бўлса — камчиликларни ўз вақтида кўрсатиш — ёрдам бериш керак эдику, ниҳоят, нега ишнинг барбод бўлишига йўл қўйиладию, сўнгра, директор ишдан олинганидан кейин, коллектив кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этиш йўли билан корхонанинг нормал иш маромини қайтадан тиклаб олишга мажбур бўлади? деган саволларни ўртага қўйди. Министрликлар, план органлари суиистеъмол ва пала-партишлик қилинишига йўл қўядиган ҳамма туйнукларни тезроқ беркитишлари керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг кўрсатмаларини бажариш соҳасидаги иш практикаси бошқа бир нарса ҳақида ҳам ўйлашга мажбур этади. Ҳар бир ишчининг конкрет ишларни амалга оширишга қўшган ҳиссаси унинг меҳнат иштироки коэффициентига қараб баҳоланади, моддий рағбатлантириш шунга боғлиқ бўлади, хўш, ҳозир тармоқ министрликлари, план органлари, бошқа ташкилотлардаги ўртоқларнинг ҳиссаси қандай баҳоланмоқда, уларнинг ишидаги нуқсонлар корхонанинг фаолиятига салбий таъсир қилаётганлиги уларнинг иш ҳақига қандай таъсир қилмоқда.

Одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларидан қониқмасликлари ҳали ҳам коллективнинг стабил эмаслиги, кадрлар қўнимсизлигининг асосий сабабларидан биридир.

Гўё бу масалаларга эътибор берилаётгандек туюлади. Пўлат эритиш ишлаб чиқаришининг бир ўзини техника билан қайта қуроллантириш ҳақида турли ташкилотлар камида йигирма қарор қабул қилди. Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин шахсан ўзи реконструкция муносабати билан кўпдан-кўп планёрка ва кенгашлар ўтказмоқда. Экскаватор заводининг уй-жой шаҳарчаси қурилиши хусусида қораланган қоғозларнинг ўзидан бир неча деворни тикласа бўлар эди. Аммо ҳеч қандай ўзгариш рўй бергани йўқ. Главташкентстройнинг шаҳарча қурилишида ишлаётган 4 трести илгари қандай ёмон ишлаб келган бўлса, ҳозир ҳам шундай ишламоқда.

Завод ишчилар учун ҳамон кам квартира олмоқда. Шаҳарда уй-жойни ҳисобга олиш ва тақсимлашда жуда қўпол хатоларга йўл қўйилганлиги ҳозир маълум бўлиб қолган бир пайтда ишчиларга кам квартира берилганлиги кишини ғазаблантиради. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг бир қанча раҳбарларига яқинда берилган принципиал баҳони тўғри деб ҳисоблайман.

Чамаси, меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларини, айниқса ижтимоий-истеъмол фондлари ҳисобига қондиришга тааллуқли ҳамма масалаларда ошкораликни кучайтириш, чинакам қаттиқ халқ контролини, ишчилар контролини йўлга қўйиш керак.

Кадрларнинг масъулиятига тааллуқли бўлган яна бир масала — ичкиликбозликка қарши кураш ҳақида гапирмоқчиман. Бу ҳақида кўпдан бери гапириб келинмоқда. Аммо Тошкентда спиртли ичимликлар билан савдо қилишда қандай ўзгариш бўлди. Аввалгидек арақ энг оддий талабларга хилоф равишда кўчалардаги очиқ дўкончаларда эрталабдан кечқурунгача сотилмоқда. Аммо мева шарбати, мармелад, жем сингари маҳсулотлар магазинларда топилмайди. Борларининг ҳам сифати яхши эмас — ҳолбуки бу маҳсулотларни спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш хомашёси ва қувватларини бўшатиш ҳисобига ишлаб чиқариш мумкин бўлур эди.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини амалга оширишга киришар эканмиз, шаҳар партия комитети бюроси, аппаратининг иш услуби ва методларини синчиклаб анализ қилиб чиқдик, дейди Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Э. Раҳмонов.** Секретарларнинг, бўлимларнинг фаолиятида камчиликлар ҳақида юз-хотир қилмай, жиддий гаплашиб олдик, бутун ишимизни қайта қуриш тадбирлари белгиланди. Кўтариладиган кадрлар резервини тайёрлашга эътибор кучайтирилди, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш чоралари кўрилмоқда. Энди улар маъмуриятнинг фаолиятини анча принципиаллик билан контроль қилмоқдалар, раҳбарларнинг ишларига дадил баҳо бермоқдалар. Шаҳар партия комитетининг пленумларида ва бюро мажлисларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида коммунист раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаш каби иш формаси практикага киритилди. Холисона партиявий характеристикалар йиғилишларда тасдиқланадиган бўлиб қолди.

Биз раҳбар ходимларнинг фаолиятини синчиклаб ўрганаяпмиз, уларни аттестациядан ўтказдик. Комиссиялар составига шаҳар партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари, аппарат ходимлари, партия ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари киритилди. Хўжалик фаолиятининг натижаларига, раҳбарларнинг тарбиявий ишда қатнашишига, коллективда нормал муҳит вужудга келтирилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Комиссияларнинг хулосалари жамоатчилик фикрини пухта ҳисобга олиб тузилмоқда. Кўпчилик раҳбар ходимларнинг иши ижобий баҳоланганлиги диққатга сазовордир. Айни вақтда 30 киши қаттиқ танқид қилинди, ўз ишининг форма ва методларини қайта қуриши, қўл остидаги кишилар билан ўзаро муносабатларини ўзгартириши зарурлиги ҳақида огоҳлантирилди. Ўн бир киши учун салбий характеристикалар тасдиқланди. Анализ қилиб кўрилганда улар хизмат мавқеини суиистеъмол қилганликлари, такаббурлик, кўполлик фактларига йўл қўйганликлари, партия ва жамоат ташкилотларининг фикри билан ҳисоблашмаганликлари маълум бўлди. Анализ натижалари шаҳар партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Биз ўн ходимни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиб, меҳнат коллективларининг фикрини қўллаб-қувватладик.

Бундай иш формаси жойларда маъқуллаб кутиб олинди. Бу иш салбий ҳодисаларга қарши курашда одамларга ишонч бахш этади, уларни камчиликларни дадилроқ очиб ташлашга ундайди, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслигига кафолот беради.

Ҳозир иш стажи ва тажрибасидан маълумот даражаси ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳамма энергетиклар партия ва иқтисодий ўқиш, техника таълими комплекс системасига жалб этилган, дейди Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри **А. Ҳ. Ҳамидов.** Корхоналарнинг раҳбарлари ва министрликнинг раҳбар ходимлари машғулотлар ўтказишда қатнашиши, мажбурий имтиҳон топшириши ва рефератлар ёзиши ижобий натижалар бермоқда. Шу билан бирга министрлик ҳали кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш кераклигини англаб турибди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Н. М. Маҳмудова** қуйидагиларни таъкидлайди: социалистик мусобақа алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган масалалардан биридир. Кейинги вақтларда унинг самарадорлигини ошириш ишлари олиб борилаётганлигига қарамай, бу муҳим ишни ташкил этишда расмиятчилик ҳоллари давом этмоқда. Мажбуриятлар, муқобил планлар қабул қилишда кўп нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Бригада пудратини жорий этишда ҳам расмиятчилик кўринишлари кўп. Главташкентстрой, республика қурилиш министрлиги ташкилотларида қурилишлар раҳбарларининг айби билан, уларнинг меҳнатни ташкил этишга тузукроқ эътибор беришни истамасликлари, тиғиз объектлар кўплиги ва бригада аъзоларини бир участкадан иккинчисига тез-тез юбориб туриш оқибатида бу илғор иш усули кўпинча қадрсизланиб қолмоқда. Бу эса ишчиларни юксак пировард натижаларга эришишдаги манфаатдорликдан маҳрум қилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларнинг қўнимсизлигини камайтириш соҳасидаги ишда ҳам расмиятчилик фактлари учраб турибди. Бу соҳада меҳнат шароитларининг таъсири катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Бироқ мебель саноати, енгил саноатнинг айрим корхоналарида, бошқа бир қанча тармоқларда меҳнат шароитларини ва уни муҳофаза қилишни яхшилаш беш йиллик комплекс планларининг ҳамма бандларини, санитария-соғломлаштириш тадбирларини, коллектив шартномаларни бажаришга дурўст эътибор берилмаяпти. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун бекаму кўст бажарилишига эришишни касаба союзлари ўз вазифаларидан бири деб биладилар.

Ишчилар синфининг сафларини айниқса маҳаллий миллат ёшлари ҳисобига янада кўпроқ тўлдириш проблемаси республика учун энг зарур вазифадир. Мактабни ёки ҳунар-техника билим юртини битириб чиққан йигит ва қизларнинг анчагина қисми ихтисоси бўйича ишламаётганлиги кишини ташвишга солади, деб таъкидлади нотиқ. Бунинг сабаби шуки айрим хўжалик раҳбарлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ёш меҳнатчига, унинг коллективдаги биринчи қадамларига етарли равишда эътибор бермаяптилар баъзан эса унга бефарқ қарамоқдалар, мураббийлик ҳаракатининг самарадорлиги кўнгилдагидек эмас.

Андижон область партия ташкилоти, дейди Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **С. Мамарасулов,** ҳуқуқ-тартибот органлари иш қўзғатган ходимларнигина жавобгарликка тортар эди. Энди меҳнати эвазига олаётган маблағи ҳисобига яшамаётган, КПСС Уставини бузаётган, Коммунистик аҳлоқ, партиявий одоб нормаларидан жиддий чекинишга йўл қўяётган, шу тариқа жамиятга иқтисодий зараргина эмас, шу билан бирга маънавий, ахлоқий зиён етказаётган кишиларга нисбатан ҳам қаттиқ чоралар кўрила бошланди. Бу чоралар раҳбар кадрлар билан ишлашнинг хилма-хил форма ва методларидан кенг миқёсда фойдаланиш билан қўшиб олиб борилмоқда. Партия ташкилотлари ўз бурчини ҳалол бажараётган, бошқаларга яхши намуна кўрсатаётган кишиларни тарғиб қилишга ва қўллаб-қувватлашга интилмоқдалар.

Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз бригадири **Т. Дадажонов** муҳим масалани кўтариб чиқди. Ҳар бир меҳнатчини ишга омилкорлик билан қараш руҳида тарбиялаш, ишда яхши пировард натижаларга эришишдан чуқур манфаатдор қилиш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир, деди у. Бригадаларни коллектив пудратга ўтказиш шу мақсадга эришиш учун самарали восита эканини тажриба кўрсатиб турибди. Жиззах областининг қишлоқ хўжалигида бригадаларнинг қарийб ярмиси ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнатни ташкил этишнинг шу илғор формасини қўлланмоқда.

Дадажонов раҳбарлик қилаётган коллективда тўққиз киши бор. Улар яхши пировард натижаларга эришишдан юксак манфаатдорлик кўрсатиб, бултур 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,7 центнер пахта ҳосили тердилар ва 50 минг сўм фойда олдилар. Пахтакорларнинг, айниқса механизаторларнинг иш ҳақи ҳам шунга яраша кўпайди.

Бригада пудрати одамларни камчиликларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялайди. Ишда ҳали камчиликлар оз эмас. Джизакстрой системасига кирадиган хўжаликларда мелиорация тармоғи тартибга келтирилмаганлиги деҳқонларни ташвишга солмоқда.

Нотиқ Главсредазирсовхозстройнинг ишидаги камчиликлар бир неча бор кўрсатилган бўлишига қарамай, бу камчиликлар суст тугатилаётганлигига эътиборни жалб қилади. Зарбдор районида бултур гектар бошига атиги 3—6 центнер пахта олган совхозлар бор. Баъзи раҳбар ходимлар бундай аҳволга кўникиб қолганлар. Аммо пахтакорлар хўжасизлик фактларига бепарво қараб тура олмайдилар. Қўриқ ерларни забт этаётган кишилар ўз меҳнати билан фахрланишни истайдилар. Шу сабабли улар ерлар қай аҳволда эканлигига бефарқ қарамайдилар. Совхозлардаги маданий-маиший қурилишнинг орқада қолаётганлиги ҳам чўлқуварларни ранжитмоқда, бунинг оқибатида кадрларнинг қўнимсизлиги келиб чиқмоқда.

Ўртоқ Дадажонов пахтакор хўжаликларда, айниқса ҳосил терими даврида меҳнат ресурсларидан ва техникадан яхшироқ фойдаланиш зарурлиги тўғрисида қишлоқ хўжалиги ходимларининг республика кенгашида чиқарилган хулосани қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон район партия комитетининг биринчи секретари **А. Пайғамов** интизомни мустаҳкамлашда ва салбий ҳодисаларга қарши курашда бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш муҳимлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди. Райком бюроси совхоз директори А. Раҳмоновнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масалани икки марта муҳокама қилди. Ҳар сафар унга жазо берилди, аммо у хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни давом эттириб, қўшиб ёзиш билан шуғулланаверди, ҳаммани чалғитмоқчи бўлди. Бироқ ҳамма иллат шунда бўлдики, райком бу ҳақида совхоз коммунистларини ҳабардор қилмади. Мазкур воқеадан тегишли хулосалар чиқариб олинди. Энди ҳар бир раҳбар бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилингандан кейингина жазоланадиган бўлди. Кадрларни кўтаришда ҳам коммунистларнинг фикри эътиборга олинмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларига тузукроқ эътибор берилиши керак, аммо, афсуски, ҳали райком бунга эришгани йўқ. Ҳозирча бу соҳада кўпгина проблемалар бор. Маъмуриятнинг фаолияти устидан контроллик қилувчи комиссиялар ҳамма жойда ҳам жанговар ишлаётгани йўқ, баъзи халқ контроли группалари ва постлари қоғоздагина мавжуд бўлиб, коммунистлар топшириқларни бажаришга камдан-кам жалб этилмоқда. Раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаш иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш учун уларнинг масъулиятини оширишнинг муҳим формаларидан бири бўлса ҳам, бундай ҳисоботлар камдан-кам тингланмоқда.

Раҳбарларнинг шахсий намунаси, унинг одамохунлиги, одмилиги, диққат-эътиборли бўлиши тўғрисидаги масала жуда тўғри қўйилмоқда. Биз коллективларга тез-тез бориб туришга, кишиларнинг қувончини ҳам, қийинчиликларини ҳам баҳам кўришга, ишимиз тўғрисида уларнинг фикрини билишга интилаяпмиз.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **И. Жабборов** кадрлар билан ишлашнинг актуал масалаларига тўхталди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари ўрта бўғини орасида мутахассисларнинг суст кўпайиши — мана шу масалалардан биридир. Ҳозирги вақтда колхозлардаги бригадирлар орасида олий ва ўрта малакали мутахассислар 43 процентни, совхозларда 25 процентни ташкил қилади. Ҳар тўрт чорвачилик фермасидан қарийб биттасининг мудири — практик ходимдир. Область партия ташкилоти коммунистлар, қобилиятли ташкилотчилар орасидан малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш чораларини кўрмоқда.

Областда партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотлари, прокуратура, суд, ички ишлар органларининг раҳбар ходимлари состави мустаҳкамланди. Кадрларнинг резерви такомиллаштирилмоқда. Бу йил ҳар бир тармоқда сайлаб қўйилган барча активларнинг ўқиши ташкил қилинди.

Бироқ бир қанча раҳбарлар ҳали ҳам ўз фаолиятининг услуби ва методларини қайта қуришда сустлик қилмоқдалар, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда кечириб бўлмайдиган даражада ношудлик кўрсатмоқдалар. Натижада айрим корхоналар маҳсулот реализация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажми, халқ истеъмол моллари чиқариш юзасидан белгиланган планларни, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажармай қолмоқда. Капитал қурилишдаги қолоқликка барҳам берилгани йўқ, қишлоқ хўжалигидаги ҳамма резервлар ҳам ишга солинмаган.

Республика Министрлар Совети ва Госплани томонидан йўл қўйилган нуқсонлар, бир қанча министрлик ва идораларнинг, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг нотўғри муносабати оқибатида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш билан уларни мутахассислар ва малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш ўртасида каттагина номутаносиблик вужудга келди, деб уқтиради Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **С. У. Султонова.** Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш мактабларни ва ҳунар-техника билим юртларини педагоглар билан таъминлашда жиддий камчиликлар борлигини аниқлади. Ислоҳот амал қила бошлаганига қарийб бир йил бўлсада, республика олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан маориф министрлиги шу камчиликни тугатиш соҳасида амалий равишда тузукроқ тадбирни рўёбга чиқарганлари йўқ. Бунинг устига илгари тайёрланган ўқитувчиларининг учдан бир қисми савдо корхоналарида, маъмурий органларда, маиший хизмат системасида ишламоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари ва ташкилотларида талон-тарож қилиш, ўғирлаш, беморлардан пул талаб қилиш, дори-дармонларни бекитиб сотиш фактлари ҳали ҳам тугатилгани йўқ. Мана шу ва бошқа камчиликларга ва салбий ҳодисаларга қарши кураш масалалари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фаолиятида ҳали ўз ифодасини топади.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **В. А. Антонов** областда мафкуравий, сиёсий ва тарбиявий ишга, бу жуда муҳим соҳадаги ишларнинг аҳволи учун кадрларга нисбатан талабчанликни оширишга кўпроқ эътибор берила бошлаганлиги ҳақида гапиради. Идеология кадрларининг сифат состави яхшиланди. Пропагандистлар ва лекторлар орасида раҳбарлар ва мутахассислар сони кўпайди, уларнинг 95 проценти олий маълумотли кишилардир. Ягона сиёсий кунлар практика билан чамбарчас боғлаб ўтказилмоқда.

Область партия комитети, жойлардаги партия комитетлари кадрлар резерви билан ишлашни ҳали кўнгилдагидек йўлга қўйганлари йўқ. Хотин-қиз кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга кам эътибор берилмоқда. Халқ хўжалигининг айрим тармоқларида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар етишмаяпти. Бундай мутахассислар чорвачиликда, қурилишда, маиший хизмат соҳасида айниқса кам. Кўриқ районларда қишлоқ хўжалиги, маданият ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг мутахассис кадрлари мутлақо етишмаслиги сезилиб турибди. Ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари тармоғини ривожлантириш ҳақидаги ғамхўрликни ошириш керак.

Қатъият билан тартиб ўрнатиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, чайқовчиликка қарши ва социалистик қонунларни бошқа тарзда бузиш ҳолларига қарши курашни аҳоли завқ-шавқ билан қўллаб-қувватламоқда, бу эса ижобий натижалар бермоқда, деб уқтиради Қаршидаги «СССР 50 йиллиги» тикув фабрикасининг моторист-тикувчиси **Р. Н. Иванушкина.** Одамларнинг эҳтиёжлари тўлиқроқ қондирила бошлади, квартира масалаларига оид шикоятлар камайди, савдо тартибга тушиб қолди. Булар ҳали республикадаги вазиятни соғломлаштириш соҳасида қилинаётган катта ишнинг бошланиши эканлиги равшан. Шуни очиқдан-очиқ айтиш керакки, Марказий Комитет XVI пленумининг қарорлари айрим жойларда ғалати тарзда тушунилмоқда: баъзи ўртоқлар, шу жумладан айрим ишчилар ҳам салбий ҳодисаларга фақат раҳбарлар йўл қўймоқдалар, интизом ва тартиб ҳақидаги талаблар фақат ўшаларга тааллуқли, деб ўйламоқдалар.

Бизнинг фабрикамиздаги иш баъзан шундай тус оладики, бош қашишга ҳам қўл тегмайди, ҳар дақиқа ҳисобда бўлади. Ҳолбуки, қанчадан-қанча одамлар иш вақтида магазинларда, бозорларда санғиб юради, кино кўради! Баъзан одамнинг энсаси қотади: ишчи кучи етишмайди дейдилару, атрофимизда қанчадан-қанча бекорчилар бўлади. Айрим одамлар ҳеч қаерда ишламасдан, ҳақиқий меҳнатчиларга нисбатан кўпроқ неъматлардан фойдаланишларини кўриб ёқа ушлайсан, киши. Инсонпарварлик руҳидаги яхши қонунларимиз бор. Бироқ, эҳтимол, жамият манфаатларини кўзлаб, халтурачилар, дангасалар, олғирлар ҳалол ходим билан тенг шароитда бўлмайдиган аҳволни вужудга келтириш керакдир. Бу гап иш ҳақигагина эмас, ижтимоий истеъмол фондларига ҳам тааллуқлидир. Меҳнат ва истеъмол меъёри устидан контролликдаги жиддий хатоликлар ишлаб чиқаришга ҳам, тарбияга ҳам зарар келтираётганлиги, одамларнинг социал адолатга ишончига путур етказаётганлиги асло сир эмас. Бу проблемани тузукроқ ўрганиб, таъсирчан чоралар кўриш зарур, деб ўйлайман.

Бизда социалистик мусобақани ташкил этишда бир мунча чигалликлар бор. Чамаси унга баъзи бир эскирган ёндошишлардан воз кечиш, асосан ялпи, ҳажм кўрсаткичларига зўр беришни ўзгартириш ўринли бўлар. Чунки ҳозир оғирлик маркази сифатга, иш вақтидан, хомашёдан тежаб-тергаб фойдаланишга, янги техника ва технологияни жорий этишга кўчирилмоқда.

Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг раиси **Ҳ. Мамажонов** кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши муаммоси уни ташвишлантираётганлиги ҳақида гапиради. Биринчи бор ишлаб чиқаришга келган ёш қишлоқ мутахассиси ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида чуқур билимларга ва одамлар билан ишлаш кўникмаларига эга эмаслиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Чамаси институтларнинг биринчи курслариданоқ бўлажак мутахассисларни синчиклаб ўрганиш ва энг қобилиятли ёшларни студентлар орасидан танлаб олиш керак. Менимча улардан махсус ишлаб чиқариш ташкилотчилари группаларини тузиб, ўқув программаларига ҳам шунга яраша тузатиш киритиш лозим.

Раҳбар кадрларнинг ғоявий савияси, назарий билимдонлиги нақадар юксак бўлса, улар социал-иқтисодий ривожланишнинг мураккаб ҳодисаларини яхшироқ тушунишларини, ижтимоий турмуш тенденциялари ва зиддиятларини равшанроқ пайқашларини, малакалироқ раҳбарлик қилишларини турмуш, тажриба кўрсатиб турибди. Ғоявий чиниқиш — кадрларнинг куч-қувват манбаидир, уларнинг партия сиёсатини ўтказишдаги, партия манфаатларини ҳимоя қилишдаги бардамлиги гаровидир. Тошкент олий партия мактабининг ректори **М. Искандаров** шу ҳақда гапиради.

Мактаб раҳбари Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд Бухоро, Жиззах ва Наманган область партия комитетлари практикада ўзини кўрсатмаган истиқболсиз ходимларни кўпинча ўқишга юбораётганликлари учун уларни танқид қилди.

Ҳали таълим-тарбия жараёнини, илмий-тадқиқот ишини ташкил этишда жиддий камчиликлар бор. Айрим семинарлар, назарий мавзудаги суҳбатлар, амалий машғулотларда дабдабабозлик элементлари бор, улар партия, совет органлари ўзларининг амалий фаолиятида ҳал этилаётган конкрет вазифалар билан боғланмаяпти.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу Пленумдаги нутқи республика партия ташкилотларига, ишчилари, колхозчиларига, зиёлиларига янги куч бахш этди, уларнинг партия ўртага қўйган вазифаларни шараф билан бажариш йўлидаги азму қарорини мустаҳкамлади, деган фикр ҳамма нутқларда баралла янгради. КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларини бажариш соҳасида қилинаётган ҳамма ишлар конкрет ва ижобий натижалар бериши керак, дейишди пленум қатнашчилари. Аввало партия XXVI съезди белгиланган режаларни ҳеч сўзсиз амалга ошириш, шу йилги топшириқларни ва умуман ўн биринчи беш йиллик планни муваффақиятли бажариш, келгуси беш йилликда ишлаш учун зарур замин яратиш, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш зарур.

Саноатдаги бош вазифа аввалгидек ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилашдан, иш самарадорлиги ва сифатини янада оширишдан иборат. Ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлардан имкони борича унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигининг илдам ўсишини таъминлаш маҳсулот етказиб бериш соҳасидаги шартномавий мажбуриятларни аниқ ва ўз вақтида бажариш сингари энг муҳим проблемаларни ҳал этишда ташкилотчилик, хўжалик ва идеология фаолиятининг бирлигини таъминлаш зарур. Ҳар бир меҳнат коллективидаги ижодий изланиш, яхшироқ ва самаралироқ ишлашга интилиш вазиятини вужудга келтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формаларини тўлиқроқ жорий этиш, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш керак.

Капитал қурилишда партия, совет, хўжалик кадрларининг вазифаси бутун куч-ғайратни аввало энг муҳим қурилишларга қаратишдан, бу йил ишга туширилиши лозим бўлган ҳамма ишлаб чиқариш ва социал объектлар қуриб битказилишини таъминлашдан иборат.

1985 йил ҳосили учун бошланган кўкламги дала ишларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Партия комитетлари агросаноат комплексига раҳбарлик қилиш услуби ва методларини сабот билан такомиллаштиришлари ҳамма жойда ишчанлик кайфиятини, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган ҳамма вазифаларни амалга оширишга ижодий ёндашиш руҳини қарор топтиришлари зарур.

Совет кишиларининг ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш партия билан давлатнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолаверишини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март Пленуми яна бир карра таъкидлади. Аҳолига маиший, савдо ва медицина хизматини янада яхшилаш, транспортда қаттиқ тартиб ўрнатиш керак.

Идеологик оммавий-сиёсий иш тинимсиз такомиллаштирилиши лозим.

Ишлаб чиқариш ва жамоат турмушининг ҳар қандай участкасида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини такомиллаштириш — барча муваффақиятларнинг калитидир. Шу иш даражасини бутун чоралар билан ошириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш — партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Муҳокама қилган масала юзасидан пленум батафсил қарор қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Редактор **Н. НАСИМОВ.**

Р—10162. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. А. 1673. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12